

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлъёзма хуқуқида
УДК: 336.11

ОЛЛОКУЛОВА ФЕРУЗА МАНСУРОВНА

**МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мутахассислик: 5А230601 “Давлат молиясини бошқариш”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.д., проф Маликов Т.С.

Тошкент – 2018

**Диссертация Тошкент молия институти “Молия” кафедрасида
бажарилган.**

Илмий раҳбар **и.ф.д., проф Маликов Т.С.**

Кафедра мудири **и.ф.д., проф Маликов Т.С.**

Магистратура бўлими бошлиғи **и.ф.н., доц Ортиқов У.Д.**

Мен, Оллокулова Феруза Мансуровна ушбу магистрлик диссертация ишини мустақил бажардим. Кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган ҳолатимда магистрлик диссертация иши Якуний Давлат Аттестация Комиссияси раиси тақдимномасига асосан бекор қилиниши ва “Қониқарсиз” баҳо қўйилишидан хабардорман.

Оллокулова Ф.М.

“_____” _____

МУНДАРИЖА:

| | |
|--|-----------|
| КИРИШ..... | 3 |
| 1-БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ..... | 9 |
| 1.1. Молия тизими тушунчаси ва унинг назарий асослари..... | 9 |
| 1.2. Молия тизимининг асосий бўғини сифатида бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг иқтисодий аҳамияти..... | 17 |
| 1-боб бўйича хulosा..... | 26 |
| 2-БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИ СИФАТИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ..... | 28 |
| 2.1. Молия тизимининг асосий бўғини сифатида давлат бюджетининг таркибий тузилиши таҳлили..... | 28 |
| 2.2. Махаллий бюджетлар даромадлари таркиби ва тузилишининг таҳлили..... | 44 |
| 2.3. Махаллий бюджетлар харажатлари тизими ва уларнинг амалдаги ҳолати таҳлили..... | 57 |
| 2-боб бўйича хulosা..... | 68 |
| 3-БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ..... | 71 |
| 3.1. Давлат молиясининг таркиби сифатида маҳаллий бюджетлар тизимидағи мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўналишлари..... | 71 |
| 3.2. Молия тизимини барқарорлаштиришда маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини ошириш масалалари..... | 78 |
| 3-боб бўйича хulosা..... | 86 |
| ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР..... | 88 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 94 |

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарбилиги. Ўзбекистон

Республикасида бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиши бюджет тизими, жумладан, маҳаллий бюджетлар аҳамиятини янада оширади. Чунки ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқдир. Ислоҳотлар чуқурлашиши билан маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштириладиган чора-тадбирлар ҳажми ошаверади, шунингдек, улар ихтиёрига қоладиган даромадлар ҳам кенгаяверади.

Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият кўрсатишларида асосий молиявий манба бўлиб, давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий ролни ўйнайди. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичида амалдаги давлат молияси тизими замонавий талабларга жавоб бермаслиги ва олиб борилаётган бюджет сиёсатига, ўрта муддатли даврда қабул қилинган давлат дастурлари билан боғлиқ бюджет харажатларига объектив ва ишончли баҳо беришга имкон бермаслиги, бюджетни режалаштиришнинг халқаро эътироф этилган усуллари жорий этилиши суст бўлганлиги каби муаммолар бугунги кунда кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистоннинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясида маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини ошириш, харажатлари тизимларини ислоҳ қилиш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, ҳудудлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим вазифалар белгиланган бўлиб,

мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илфор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикамизда кўллаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳудудларни ривожлантириш борасида фикр юрита туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев шундай дейди: “Ҳудудларни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас”¹. Мамлакатимиз молия-бюджет тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар худудий иқтисодиёт муаммоларининг кескинлашуви шароитида маҳаллий бюджетлар имкониятларини янада оширишга зарурият сезмоқда. Шундан келиб чиқиб, худудлар эҳтиёжларини қоплаши учун етарли молиявий манбага эга бўлиши, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий асосланган таклиф ва тавсияларни кенг қўллаш орқали масалага тизимли ёндашиш муҳим аҳамият каб этади.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Ушбу тадқиқотимизнинг обьекти бўлиб Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлар ва ҳаражатлари тизими ҳисобланади. Тадқиқот предмети бўлиб эса маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини шакллантириш, оқилона ва самарали ҳаражатларни амалга ошириш юзасидан вужудга келадиган молия-бюджет муносабатлари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва ҳудудларда маҳаллий бюджет ижроси амалиётининг жаҳон андозалари талабларига мос келувчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш ва мабалағларидан оқилона фойдаланиш йўналишлари юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиши ҳамда амалий таклифлар бериш тадқиқотнинг асосий мақсадини ташкил қиласи.

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишинган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент. Ўзбекистон, 2017.– 1046.

Магистрлик диссертация ишимизнинг асосий мақсадларидан келиб чиқиб, қуидаги вазифалар қўйилган:

- Маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини шакллантириш;
- Маҳаллий бюджетлардан даромадларининг таркиби ва миқдорий ўзгариш ҳолати ва таҳлилини амалга ошириш;
- Маҳаллий бюджетлар даромадлар таркибини ташкил этувчи соликларнинг ўз вақтида ва режа асосида белгиланган миқдорда тушишини назорат қилиш;
- Маҳаллий бюджетлар ва улар томонидан молиялаштириладиган харажатларнинг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва аҳамиятини ёритиш;
- Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган харажатларнинг таркиби ва миқдорий ўзгариш ҳолати ва таҳлилини амалга ошириш;
- Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг таркибий тузилишини белгиловчи вазифаларни аниқлаш;
- Ўз харажатларини қоплаш мақсадида юқори бюджетдан субвенсия ва бошқа молиявий ёрдам ажратиладиган маҳаллий бюджетлар ва ҳудудларни, ушбу молиявий ёрдам билан эмас, балки молиявий имкониятлари билан ўз харажатларини қоплаш йўналишларини ошириш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларишлаб чиқиш ва бошқалар.

Илмий янгилиги. Маҳаллий бюджетлардан даромадларининг таркиби ва миқдорий ўзгариш ҳолати ва таҳлилини амалга ошириш ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган харажатларни самарали ижро этишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқиш билан белгиланиши кўзда тутилган.

Магистрлик диссертацияси тадқиқотининг илмий янгилиги қуидаги натижалар орқали намоён бўлиши мумкин:

- Маҳаллий бюджетлар даромадлар таркибини ташкил этувчи солиқларнинг ўз вақтида ва режа асосида белгиланган миқдорда тушишини назорат қилиш устидан илмий таклифлар тайёрлашда;
- Бюджет тизими бўғинлари харажатларининг йўналишларини оқилона бошқаришнинг устувор аҳамиятга эга эканлиги асослаб беришда;
- Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали ташкил этишда уларнинг режалаштириш жараёнининг таъсирини аниқлашда;
- Ўз харажатларини қоплаш мақсадида юқори бюджетдан субвенсия ажратиладиган маҳаллий бюджетлар ва ҳудудларни, ушбу молиявий ёрдам билан эмас, балки молиявий имкониятлари билан ўз харажатларини қоплаш йўналишларини ошириш устидан илмий таклифлар беришда;
- Давлат молия тизимини янада ривожлантириш шароитида Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган харажатларнинг ижро тизимини самарали ташкил этиш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кабиларда бўлиши кўзда тутилади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масаласи бу маҳаллий бюджетлар даромадлар манбаларини шакллантириш ҳамда амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш йўлларини ўрганиш ва самарали ижро этиш йўлларини топиш бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (таҳлили). Молия-бюджет механизми, бюджет қурилиши ва бюджетлараро муносабатларнинг шаклланиши, уларнинг ривожланиши, давлат бюджетининг самарали ижросини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи-олимлар И. Акперов, Т. В. Брайчева, Х.Н.Гизатулин, И.Р.Зарипова,

М. Дмитриев, Л.В. Журавлева ва Н.В.Коровлевалар²нинг илмийишларида ўрганилган кабиларнинг ишларида кенг ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва улардан самарали ва оқилона фойдаланишнинг айрим муаммоларига оид илмий тадқиқ намуналарини Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, И.А.Азизова, А. Ваҳобов, Г. Қосимова, Ж.Р.Зайналов, Б.Ш.Хусанов, И. Р.Зарипова, В.Р. Хафизова, П.Т. Жалилов, З.Х. Срожиддинова ва Ж.Р.Сиддиков³каби олимларнинг нашр этилган илмий ишлари ва ҳимоя қилинган диссертацияларида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги шароитда бюджет тизимидағи ислоҳотлар, маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлаш, улардаги молиявий имкониятларни ошириш муаммолари уларнинг ечими бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиши талаб этмоқда.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Магистрлик диссертация ишини ёзишда гурӯҳлаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, таркибий таҳлил, корреляцион таҳлил каби усусларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий ахамияти. Магистрлик диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг самарали ижро этилиши йўлларини топиш ва уларни жорий этишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, ишда тайёрланган материалларидан кейинчалик олий ўқув юртларида “Молия”, “Давлат бюджети”, “Маҳаллий бюджетларни

² Акперов И. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. -М.: «Финансы и статистика», 2011.;Брайчева Т. В. Государственные финансы. Санкт Петербург.: Питер.2001. - 278с.;Гизатулин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельностиместных бюджетов в условиях рыночных отношений. 2-изд. Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001.248с.; Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. -М.: Московский Центр Карнеги. 2001. -264с.; Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. -М.: Дело. 2001. -264с.;Коровлева Н.В. Бюджетно-налоговая политика-как проявление экономической политики.Региональный аспект. 2-изд. Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Унив-та, 2000. 196с.

³ Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х.Молия: умумдавлатмолияси. – Т.: Молия, 2009.; Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. – Т.: 2010. – 152 б.; Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.; Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.; Зайналов Ж.Р., Хусанов Б.Ш., Раупов Д.У. - «Давлат бюджети» фанидан Ўқув-услубий мажмуя: СамИСИ, 2013. 1203 бет.; Зарипова И. Р. Хафизова В.Р. История развития исовременной состояние межбюджетных отношений в России. –Уфа: ГП Принт. 2001. -181с.; Маликов Т.С.,Жалилов П.Т. Бюджет-солиқиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.; Срожиддинова З.Х. Ваҳобов А.В., Сиддиков Ж.Р.Государственный бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 107с.

шакллантириш ва бошқариш” каби курсларнинг ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш қисми , учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат бўлади, унинг ҳажми эса белгиланган доирада бўлади.

1-БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Молия тизими тушунчаси ва унинг назарий асослари

Молия ва молиявий муносабатлар иқтисодиётда, хусусан, ахолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида жуда кенг қўлланиладиган пул маблағлари ҳаракатининг кўп жабҳали шакли сифатида намоён бўлади. Бу ўз навбатида, ушбу муносабатларни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва амалиётда тўғри ҳамда самарали татбиқ этишнинг долзарблигини оширади.

Молия тизими – молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, хар қайси соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли шароитларида молиянинг ривожланиш қонуниятини таҳлил қилиш молиявий муносабатларнинг моҳиятида умумий белгилар мавжудлигидан гувоҳлик беради. Бу молияни амал қилишининг объектив сабаблари ва шартларини сақланиб қолинганлиги билан таърифланади. Буларнинг орасида иккитаси ажралиб туради: товарпул муносабатларининг ривожланиши ва бу муносабатларнинг объекти ва субъектининг мавжудлигидир.

Молиявий муносабатлар моҳиятан умумий бўлсада, улар элементлари ўртасидаги маълум фарқларни рад этмайди. Маълумки, молия тизими молия муносабатларининг турли бўғинлари йиғиндисини билдиради. Уларнинг ҳар бири пул маблағлари фондларини шакллантириш ва ишлатилишидаги хусусиятлари, такрор ишлаб чиқаришдаги ролининг турличалиги билан хусусиятланади. Молиявий тизим таркибан таҳлил этилганда унга хар хил ёндошиш мумкин. Молия пул муносабатлари бўлар экан, уларни объекти ва субъекти, уларга хос механизмлар мавжуд. Шу жиҳатидан қаралганда молия тизимига пул фондлари, молия иштирокчилари, молия институтлари, молия механизми ва молия сиёсатини киритиш мумкин.

Молия тизимининг асосий функциялари қуйидагилардан иборатdir:

- Режалаштириш функцияси;
- Ташкиллаштириш функцияси;
- Рағбатлантириш функцияси;
- Назорат.

Мамлакатда бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши ва принципиал жиҳатдан бутунлай янги бўлган иқтисодий ва молиявий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши молия тизимининг соҳалари ва бўғинларига нисбатан объектив равишда янгича ёндошувни тақазо этди. Унга мувофиқ равища, дастлаб, молия тизими қуидаги икки соҳага бўлинади⁴:

- давлат молияси ва маҳаллий молия;
- хўжалик юритувчи субъектлар молияси.

Ўз навбатида, молия тизимининг ҳар бир соҳаси пул фондлари ва даромадларни шакллантиришнинг конкрет шакллари ва методларига боғлиқ равища бир неча бўғинлардан ташкил топади. Масалан, давлат молияси ва маҳаллий молия қуидаги бўғинлардан ташкил топиши мумкин:

- Давлат бюджети;
- мақсадли нобюджет фондлари;
- давлат кредити.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар молияси қуидаги бўғинлардан иборат:

- тижорат корхоналари ва ташкилотлари молияси;
- молиявий воситачилар молияси;
- нотижорат ташкилотлари молияси.

Юқорида келтирилганларни чизмали кўринишда қуидагича ифодалаш мумкин:

⁴ Советлар давридаги тегишли дарслкларда молия тизимининг соҳалари, кўпчилик ҳолларда, икки хил тарзда талкин қилинган эди. Ленинград (хозирги Санкт-Петербург) мактабининг вакиллари (Александров А.М., Вознесенский Э.А., Жевтек П.Н., Романовский М.В., Колесников В.И. ва бошқалар) фикрига кўра молия тизими одатда, икки соҳадан, яъни 1) корхоналар ва халқ хўжалиги тармоқлари молияси ҳамда 2) умумдавлат молиясидан иборат бўлган. Москва мактабининг вакиллари (Шерменев М.К., Никольский П.С., Моляков Д.С., Родионова В.М., Гайде Т.В. ва бошқалар) фикрича эса, молия тизимининг соҳалари қуидагилардан ташкил топган: 1) моддий ишлаб чиқариш соҳаси молияси; 2) Давлат бюджети; 3) ноишлаб чиқариш соҳаси молияси. Шундай бўлишига қарамасдан уларнинг ҳар иккаласи ҳам СССРнинг иқтисодий базисига ва у томонидан амалга оширилган молиявий сиёсатга тўлиқ мос келган эди.



1.1-расм. Молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари⁵

Молия тизимининг алоҳида соҳалар ва бўғинларга бўлиниши ЯИМни шакллантириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, даромадларни шакллантириш ва улардан фойдаланишда иқтисодий муносабатлар субъектларининг бир-бирларидан фарқли равишда иштирок этиши билан белгиланади. Молия тизимининг ҳар бир соҳаси ва бўғинига пул фондлари ва даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос бўлган шакллари ва методлари тегишлидир. Масалан, корхоналар молияси моддий ишлаб чиқаришга, ЯИМни яратишга, уни корхоналар ўртасида

⁵ Т.С. Маликов, Д.Р. Ваҳобов “Молия” Ўкув қўлланма Т: “ИҚТИСОД- МОЛИЯ”, 2012. 516.

тақсимлашга ва ЯИМ бир қисмининг бюджети ва нобюджет фондлариға қайта тақсимлашга хизмат қиласи. Давлат бюджети орқали ресурслар давлатнинг марказлаштирилган фондига жалб қилинади ва улар иқтисодий миңтақалар, тармоқлар ва аҳолининг социал гурухлари ўртасида қайта тақсимланади.

Молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг алоҳида бўғини сифатида Давлат бюджети ўз ичига қуидагиларни олади:

- республика бюджети;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан таркиб топади. Вилоятнинг бюджети эса вилоят бюджетини ва вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Шунингдек, туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига киравчи туманлар бюджетларидан иборат. Ва ниҳоят, туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетидан ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетидан ташкил топади.

Ҳозирги шароитда Давлат бюджети ўз олдида турган қуидаги муаммоларни ҳал этиши керак:

- мамлакат тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича бюджет харажатларини реструктуризация (қайта қуриш) қилиш;
- бюджет ёрдамида тартибга солиш механизмини такомиллаштириш;
- бюджет ассигнованияларидан (ажратмалардан) самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш.

Давлат мақсадли жамғармалари (нобюджет жамғармалар ёки бюджетдан ташқари жамғармалар) олдиндан белгиланган маълум муддатларда тузилиши ёки доимий равиша мавжуд бўлиши мумкин. Бу жамғармаларнинг вужудга келиши Давлат бюджетининг қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслигидан қатъий назар маблағлар мақсадли манбайнинг зарурлиги билан белгиланади. Биринчи навбатда, бу социал таъминот, текин

соғлиқни сақлаш, ишсизликни камайтириш ва бошқа худди шундай бир қанча муҳим ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга тегишилдири. Бу жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш давлат томонидан ўзига хос бўлган шакллар ва методлар ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам уларни молия тизимининг “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг алоҳида бўғини сифатида ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлиги белгиси бўйича давлат мақсадли фондларини қўйидаги икки гурӯхга бирлаштириш мумкин:

- социал мўлжалланган (йўналишга эга бўлган) давлат мақсадли жамғармалари (нобюджет жамғармалар ёки бюджетдан ташқари жамғармалар);
- тармоқлараро ва тармоқ характеристига эга бўлган давлат мақсадли жамғармалари (нобюджет жамғармалар ёки бюджетдан ташқари жамғармалар).

Айрим ҳолатларда (холларда) худудий йўналтирилган (мўлжалланган) давлат мақсадли жамғармалари (нобюджет жамғармалар ёки бюджетдан ташқари жамғармалар) ташкил қилиниши (шакллантирилиши) мумкин.

Давлат мақсадли фондлари молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг алоҳида бўғини сифатида қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Республика йўл жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг маҳсус ҳисоб вараги;
- Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

Давлат мақсадли жамғармаларида катта миқдордаги маблағларининг тўплангандиги шароитида давлат молиявий назоратининг сусайиши бу

маблағлардан самарасиз фойдаланишга ва турли-туман сұйыстемол қилиш ҳолаттарининг содир этилишига олиб келиши мүмкін. Шунинг учун ҳам давлат молиявий ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида уларни Давлат бюджетига жамлаш (консолидация қилиш) мақсадга мувофиқдир. Бунда жамланган (консолидация қилинган) жамғармаларнинг мақсадли йұналиши ўзгартырмасдан сақланиб қолиши таъминланиши лозим.

Давлат кредити молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг ўзига хос бўғини ҳисобланади. Унинг ўзига хослиги давлатнинг марказлаштирилган фондларига маблағларни жалб қилиш бўйича молия-кредит муносабатларининг алоҳида шакллари билан белгиланади. Давлат кредити давлат, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги пул муносабатларининг ўзига хос алоҳида шаклидан иборатдир. Бунда давлат, асосан, маблағларни қарзга олувчи ва шунингдек, кредитор ва гарант (кафил) сифатида ҳам майдонга чиқади.

Давлат кредитида микдорий жиҳатдан маблағларни қарз олувчи сифатида давлатнинг фаолияти устунлик қиласи. Давлатнинг кредитор сифатидаги операциялари, яъни давлат юридик ва жисмоний шахсларга ссудалар тақдим қилганда ёки гарант (кафил) бўлганда, анча торроқдир (тор доирададир). Шундай бўлишига қарамасдан, бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан молиялаштириш ҳам қайтариувчанлик ва тўловлилик (ҳақ асосида) шарти билан амалга оширилса, кенг ривож топиши мүмкін.

Хозирги шароитда давлат кредитининг зарурлиги давлат харажатларининг давлат ўз даромадлари базасини кенгайтириш имкониятларига нисбатан юқори суръатларда ўсиши билан боғлиқ бўлиб, бу нарса бюджет дефицити шароитида режалаштирилган бюджет харажатларининг қопланишини таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит ва молиявий сиёсатларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши молия тизимининг “Давлат молияси ва маҳаллий молия” бўғини тўғрисидаги анъанавий тасаввурлар кенгайиши ва кенг маънода

ҳамда уни замонавий тушунишга мувофиқ равища Марказий банк тизимини ҳам ўз таркибига қўшмоғи лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар молияси молия тизимининг мустақил соҳасидир. Уни бошқача номда мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотлар молияси деб ҳам аташ мумкин. Молия тизимининг ана шу соҳасида даромадларнинг асосий қисми шаклланади ва улар, охир оқибатда давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга мувофиқ равища қайта тақсимланиб, барча даражадаги бюджетлар ва нобюджет жамғармаларининг даромадларини шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида бюджет (молиявий) маблағларининг катта қисми тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштириш, бюджет ссудалари ва давлат кафолатлари шаклида корхоналарнинг жорий ва инвестицион фаолиятларини молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, молия тизимининг бу соҳаси тижорат корхоналари ва ташкилотлари молияси, молиявий воситачилар молияси ва нотижорат ташкилотлар молияси каби бўғинлардан ташкил топади. Бу гурухга кирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий муносабатлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, даромадлар ва харажатларни шакллантириш, мулкка эгалик қилиш, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш шаклларига боғлиқ равища ўзига хос бўлган хусусиятларга эгадир. Бир вақтнинг ўзида, тижорат корхоналари ва ташкилотлари молияси муҳим аҳамият касб этиб, айнан шу ерда молиявий ресурсларнинг асосий қисми шакллантирилади. Мамлакатнинг умумий молиявий аҳволи ана шу корхоналар молиясининг аҳволи билан белгиланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўзларининг фаолиятларини тижорий ҳисоб асосида амалга оширадилар. Унга мувофиқ равища уларнинг харажатлари ўз даромадлари ҳисобидан қопланиши керак. Мехнат жамоалари ишлаб чиқариш ва социал ривожланишининг асосий манбай фойда ҳисобланади.

Бу соҳа корхоналари реал равища молиявий мустақилликка эга, маҳсулотни сотишдан олинган тушумни уларнинг ўзи мустақил равища тақсимлайди, ўзларининг ихтиёрига кўра фойдадан фойдаланадилар, ишлаб чиқариш ва социал фондларни шакллантирадилар, молиявий бозорнинг ресурсларидан – банк кредитлари, облигациялар эмиссияси, депозит сертификатлари ва молиявий бозорнинг бошқа инструментлари фойдаланган ҳолда инвестициялаштириш учун зарур бўлган маблағларни қидириб топадилар.

Корхоналар давлатнинг аралашувидан озод бўлиб, шу билан биргаликда, ишнинг иқтисодий ва молиявий натижалари учун уларнинг масъулияти ҳам кескин оширилган.

Бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг хўжалик тизими мураккаб тузилмадан иборат бўлиб, аралаш иқтисодиёт сифатида фаолият кўрсатади. Унинг таркибида фойда олишга қаратилган бизнес соҳаси билан бир қаторда иқтисодиётнинг бошқа секторлари ҳам мавжудки, уларнинг фаолияти ижтимоий фаровонликка эришишга йўналтирилган. Буларнинг таркибига давлат секторидан ташқари баъзи мамлакатларда катта масштабларга эга бўлган ва нисбатан юқори суръатларда ўсиб бораётган нотижорат сектори ҳам киради. Ҳозирги шароитда нотижорат сектори ташкилотларининг юқори суръатларда тез ўсиб бораётганлиги, бир томондан, жамиятни демократлаштириш сиёсий жараёнларининг ривожланиши ва иккинчи томондан, бозор иқтисодиётининг социал йўналтирилганлиги (бу нарса бизнинг мамлакатимиз учун характерлидир) билан боғлиқ.

Нотижорат ташкилотлари юридик шахс бўлиб, фойда олиш уларнинг асосий мақсади эмас ва уларда олинган фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланмайди. Уларнинг қаторига социал, хайр-эҳсон, маданий, маърифий, илмий, бошқарув, соғлиқни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, фуқаролар ва ташкилотларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни ечиш, юридик хизматлар кўрсатиш ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларга эришиш

учун ташкил этилган ташкилотлар киради. Нотижорат ташкилотларининг олдига қўйилган мақсадлар хилма-хил бўлғанлиги учун бу сектор ўзининг ҳам жуда кенг ва ранг-баранг бўлиши, табиийдир. Нотижорат секторнинг бир гурӯҳ корхоналари, асосан, ўз аъзоларининг иқтисодий манфаатларига, маълум тоифадаги шахсларнинг ривожланишига хизмат қиласи.

1.2. Молия тизимининг асосий бўғини сифатида Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг иқтисодий аҳамияти

Давлат мақсадли жамғармалари - Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар -бу оператив мустақиллик асосида давлат томонидан айрим турдаги ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштириш ва молиявий ресурслардан фойдаланиш формасидир.

Бюджетдан ташқари жамғармалар давлат молиясининг энг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Бюджетдан ташқари жамғармалар - бу ҳукумат органлари томонидан миллий даромадни алоҳида гурӯҳлари фойдасини қайта тақсимлаш усулидир.

Бюджетдан ташқари жамғармалар 2 та вазифани бажаради:

1. Иқтисодиётнинг устивор тармоқлари қўшимча маблағлар билан таъминлаш;
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тармоқлари соҳасини кенгайтириш.

Давлат мақсадли Жамғармаларини ташкил этишининг зарурияти аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кексалик, меҳнат қобилиятини ёки бокувчисини йўқотишдан сугурта тизими (пенсия таъминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таъминоти), кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вақтинча ишламаётганларни ижтимоий қўллаб-

кувватлаш (ишсизлик бўйича нафақа), аҳолининг айрим тоифаларига уларнинг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб, имтиёзлар ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлари шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқовқат, ёнилғи бериш ва бошқалар), оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътиллар), соглиқни суғурта қилдириш (тиббий суғурта, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи-ёшларни моддий қўллаб-кувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедия марказлари) орқали таъминланади.

Давлат мақсадли жамғармалари қуидагилардир⁶:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика Йўл жамғармаси;
- Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Умумталим мактаблари, касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий

⁶Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси”, 2013 йил 26 декабр 52-1-сон, 36-модда

тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғарманинг Кузатув кенгашидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика Йўл жамғармаси мажбурий тўловлардан ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди, кейинчалик улардан умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурларини (лойиҳаларини) ҳамда уларнинг лозим даражадаги техник ҳолати ва ўтказиш қобилиятига эришишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика Йўл жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғарма кенгашидир.

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган, белгиланган тартибда тақсимланадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги харажатлар молиялаштирилишини тъминлаш учун ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар ва Бюджет Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал тъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал тъмирлаш, жиҳозлашга (тўлиқ жиҳозлашга) йўналтириладиган, Бюджет Кодекснинг 57-моддасида назарда

тутилган мажбурий тўловлар ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғармани бошқариш кенгашидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Бюджет Кодекснинг 58-моддасида назарда тутилган ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир дастурларни (лойиҳаларни) ҳамда мелиоратив объектларнинг лозим даражадаги техник ҳолатини таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга, шунингдек мелиоратив техника олишга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг юқори органи Жамғарма кенгашидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси Бюджет Кодекснинг 59-моддасида белгиланган ва олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари қўйидагилардир:

- Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси;

- Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;
- бюджет ташкилотларининг ундириладиган тўловлар ҳисобига шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари:

- ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдордаги тушумлари;
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Бошқа даромадларга меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллигига чалинганлик туфайли тайинланган ногиронлик пенсияларини тўлаш харажатларининг ўрнини қоплаш учун тақдим этиладиган регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролар томонидан ўрни қопланадиган маблағлар тушумининг бир қисми, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари, юридик шахсларнинг имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий тартибда тўланадиган сугурта бадаллари, мажбурий тўловлар, бадаллар ўз вақтида тўланмаганлиги учун ҳисобланган жарималар ва пенялар суммасининг бир қисми, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёхуд соғлигига бошқача шикаст етказилган ходимга юридик шахс тутатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер ва дехқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тутатилганда заарнинг ўрнини қоплаш учун тўланадиган назарда тутилган маблағлар, вақтинчалик бўш

турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармасининг даромадлари:

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига йигимлар;
- вақтинчалик бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг даромадлари:

- давлат мулки бўлган корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидағи акцияларни (улушларни), ер участкалари ва бошқа молмulkни реализация қилиш;
- устав жамғармаларида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини тутатишдан тушган тушумлар;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг даромадлари:

- белгиланган миқдордаги ягона ижтимоий тўлов тушумлари;
- вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Умумталим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмиглаш ва жиҳозлаш жамғармасининг даромадлари:

- Умумталим мактаблари, касб-хунар колледжлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфориладиган эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари:

- ҳар йили тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфориладиган эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг асосий параметрлари доирасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиги бўйича тушумларга мувофиқ бюджетдан ажратиладиган маблағлар;
- бюджетдан ажратиладиган мақсадли маблағлар;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси даромадлари:

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;
- вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларини ташкилий усулига кўра, шаклланиш усулига кўра ҳамда фаолият даврига кўра қўйидаги расм орқали таснифлаймиз.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг таснифланиши



1.2-расм. Давлат мақсадли жамғармалари классификацияси⁷

2007 йилдан бошлаб давлат бюджети параметрларида алоҳида сатр билан Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатлари кўзда тутила бошланди. Мазкур жамғарма иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек самарали таркибий ва инвестициявий сиёsatни амалга ошириш мақсадида тузилган. Бюджетдан ташқари фонdlар мақсадли фонdlар мақсадли ишлатилишга йўналтирилган. Одатда уларнинг номида маблағларнинг ишлатилиш мақсади қайд этилади.

⁷ Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финанси Т.: Издательский дом “ Тасвир ”, 2008. 78 стр.

Давлатнинг мақсадли жамғармалари



1.3-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига жамланадиган давлат мақсадли жамғармалари⁸

Бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантиришнинг манбалари улар ташкил этган вазифаларнинг характеристи ва масштабига қараб аниқланади. Манбаларнинг тури ва хажмига ривожланишнинг у ёки бу босқичидаги мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий ҳолати таъсир этади. Давлатнинг мақсадли жамғармаларини шакллантириш манбалари нисбатан доимий ва вақтинчалик характеристерга эга. Улар давлат ҳудудида турли хил бўлиши мумкин. Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш жамғармаларнинг мақсади, аниқ иқтисодий шароитлар ва ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган дастурлардан келиб чиқилади.

⁸O’zbekiston Respublikasining “Byudjet Kodeksi”, 2013 yil 26 dekabr 52-I-son, 36-modda



1.4-расм. Давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш манбалари⁹

Маблағларнинг майлум бир қисми таъсисчилик фаолиятига ҳамда қимматли қоғозларга қуилади. Давлат мақсадли фонdlари инвестор сифатида ҳамда молия бозори иштирокчisi сифатида иштирок этиши мумкин.

1-боб бўйича хулоса

Диссертациямизнинг 1-боби бўйича қуидаги хулосалар тайёрладик.

Молия ва молиявий муносабатлар иқтисодиётда, хусусан, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида жуда кенг қўлланиладиган пул маблағлари ҳаракатининг кўп жабҳали шакли сифатида намоён бўлади. Бу ўз навбатида, ушбу муносабатларни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва амалиётда тўғри ҳамда самарали татбиқ этишнинг долзарблигини оширади. Молия ва молиявий муносабатларнинг асосий моҳияти - давлат ва хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурслар билан таъминлаш, шунингдек,

⁹ Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финанси Т.; Издателский дом “Тасвир”, 2008. 80 стр.

маблағларнинг ишлаб чиқариш жабҳалари ривожидаги баланслашуvida намоён бўлади.

Ҳар қандай молиявий муносабатлар ишлаб чиқариш (хизмат қўрсатиш, иш бажариш)ни таъминлашда ресурсларга бўлган эҳтиёж ҳисобига юзага келади ва улар ўз табиатига кўра, объектив ҳисобланади. Молиявий муносабатлар молия механизми орқали бошқарилади. Уларни бошқариш мақсадида молия тизими шакллантирилади.

Молия тизими – молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, хар кайси соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар -бу оператив мустақиллик асосида давлат томонидан айрим турдаги ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштириш ва молиявий ресурслардан фойдаланиш формасидир.

Бюджетдан ташқари жамғармалар давлат молиясининг энг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Бюджетдан ташқари жамғармалар - бу ҳукумат органлари томонидан миллий даромадни алоҳида гурухлари фойдасини қайта тақсимлаш усулидир.

Бюджетдан ташқари жамғармалар 2 та вазифани бажаради:

1. Иқтисодиётнинг устивор тармоқлари қўшимча маблағлар билан таъминлаш;
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тармоқлари соҳасини кенгайтириш.

2-БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИ СИФАТИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Молия тизимининг асосий бўғини сифатида давлат бюджетининг таркибий тузилиши таҳлили

Давлат бюджети — давлатнинг муайян вақт (одатда бир йил) учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари мажмуи. Давлат бюджети давлат ихтиёридаги пул фондларининг тақсимланишини билдириб, у давлат молиясининг бош бўғини ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат молиясининг марказий бўғинида турган давлат бюджети ва бюджет тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бюджет жараёнининг айрим босқичлари бир нечта қонун хужжатлари билан тартибга солиниши, баъзи меъёрий-хукуқий хужжатларнинг нормалари турлича талқин қилиниши, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг айрим моддалари янги талабларга мувофиқ эмаслиги амалиётда баъзи қийинчиликларни юзага келтирмоқда эди.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш, амалиётда ўзини оқлаган меъёрлар ҳамда халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда янги йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида бутун бюджет жараёнини тартибга соловчи ягона ҳужжат - Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Бюджет кодекси давлат молиясини бошқаришнинг хукуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини тартибга солиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва давлат хизматлари қўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилди. У бюджет жараёнини тартибга солиб, амалиётдаги мавжуд зиддиятлар ва эскирган нормаларни бартараф этиш билан биргаликда, амалиётда ўзини оқлаб, ишлаб турган нормалар, қоидалар ва бюджет

жараёни иштирокчиларининг ваколатлари ва мажбуриятларини тизимлаштиришга хизмат қиласди.


Мустақил республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, демократик давлат қуриш йўлидан бораётган даврда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби бюджет тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятлари асосида ва таъсирида шаклланади. Бюджет тизимини профессорлар Т.С.Маликов ва Н.Х.Хайдаровлар қуидагича таърифлаганлар: «Бюджет тизими бу турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилик индисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш тамойилларини ифодалайдиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилик ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар мажмуидир. Кўпчилик ҳолларда, соддароқ тарзда, бюджет тизими дейилганда, мамлакатдаги мавжуд бюджетлар тўплами (мажмуи) тушунилади».¹⁰ Соддароқ қилиб айтганда, бюджет тизими бу иқтисодий муносабатларга, давлат тузилишига ва қонун нормаларига асосланган давлат, маъмурий-худудий тузилишларнинг, бюджет муносабатларида мустақил бўлган бюджет ташкилотлари муассасалари ва мақсадли давлат фонdlарининг мажмуидир. Бюджет тизими мамлакатдаги турли даражадаги бюджетларни ўзида ифода этади. Бошқача маънода, бюджет тизими бюджетнинг ўзаро боғлиқликда бўлган бўғинларининг ўзаро йигиндисидан иборатдир.

Мамлакатнинг бюджет тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига, давлатнинг иқтисодий тизимига ва унинг маъмурий-худудий бўлинишига бевосита боғлиқ. Мамлакатнинг бюджет тизими икки ёки уч бўғинли бўлиши мумкин. Унтар давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда бюджет тизими икки бўғиндан (марказий ва маҳаллий бюджетлар),

¹⁰ Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими тузилмаси, жараёни). –Т.: «Иқтисод-молия», 2007 й., 5-бет

федератив давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда эса уч бўғиндан (марказий бюджет, федерация аъзолари бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар) иборат бўлиши мумкин.¹¹ Шунингдек, баъзи унитар давлатларда бюджетнинг марказлаштиришдан чиқарилиш даражаси, ҳудудлар ҳукумат органларининг ваколатлари билан белгиланадиган кўп даражали бюджет тизимига эга бўлиши мумкин. Масалан, марказлаштиришдан чиқарилган унитар давлат - Франция тўрт даражали бюджет тизимига, маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқка оид ваколатлари конституция билан белгиланган марказлашган унитар давлат - Швеция уч даражали бюджет тизимига эга.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилмаси¹²

Давлат бюджети даромадларининг иқтисодий мазмунни ёритадиган бўлсак, Давлат бюджетининг даромадлари¹³ мамлакат ялпи ички (миллий) маҳсулотини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш умумий жараёнининг элементларидан бири бўлиб, улар оралиқ (транзит) характерга эга. Улар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган даромадлар ва жамғармаларнинг бир қисмини бюджетга ўtkазилиши натижасида вужудга келади. Бюджет даромадларининг моддий-буюмлашган мазмунини давлатнинг ихтиёрига бориб тушган пул маблағлари ташкил этади. Бу молиявий (бюджет) категориянинг намоён бўлиш шакли бюджетга

¹¹ Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. – Т: «Шарқ», 2010 й., 455- бет.

¹² Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни [Матн] : ўқув кўлланма / - О. Файбуллаев, У. Ўроқов. - Тошкент: Baktria press, 2015. — 168 б.

¹³ Бу ерда “Давлат бюджетининг даромадлари” ибораси бюджеттага ундирилаётган солиқлар, тўловлар, божлар, ажратмалар ва бошқа барча даромадларни ўз ичига олади.

борибтушувчи турли солиқлар, тўловлар, йиғимлар, божлар ва ажратмалардан иборат.

Давлат бюджетининг даромадлари ўзларининг манбалари, ижтимоий-иқтисодий характери, мулкчилик шакли, солиқ ва тўловларнинг тури, маблағларнинг тушиш шакли ва уларни бюджетга ундириш методларига мувофиқ классификация қилиниши мумкин.

Энг аввало, Давлат бюджетининг даромадлари ўзларининг манбаларига кўра қуидаги уч гурӯхга бўлинади:

- солиқли даромадлар;
- носолиқли даромадлар;
- тикланмайдиган (қайтарилмайдиган) тарзда ўтказиладиган пул маблағлари.

Бюджетнинг солиқли даромадлари таркиби мамлакат солиқ қонунчилигига мувофиқ умумдавлат солиқлари ва йиғимлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, божхона божлари, бож йиғимлари ва бошқа бож тўловлари, давлат божи, пеня ва жарималардан иборат.

Носолиқли даромадлар таркибига қуидагилар киради:

- давлат мулкидан фойдаланишдан олинган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатилган ҳақли (тўловли) хизматлардан келган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- фуқаролик-ҳукуқий, маъмурий ва жиноий чораларни қўллаш натижасида олинган маблағлар, жумладан, жарималар, конфискациялар, компенсациялар ва давлат субъектларига етказилган заарларни тиклаш бўйича олинган маблағлар ва мажбурий ундирилган бошқа маблағлар;
- молиявий ёрдам кўринишидаги даромадлар (бюджет ссудалари ва бюджет кредитларидан ташқари);

- бошқа носолиқли даромадлар.

Бюджет даромадларининг таркибига тушумларнинг кўйидаги кўринишлари ҳисобга олиниши мумкин:

- давлат мулкини вақтинчалик фойдаланишга бериш натижасида ижара ҳақи ёки бошқа кўринишда олинадиган маблағлар;
- кредит муассасаларидаги ҳисоб ва рақларида бюджет маблағларининг қолдиғи бўйича фоизлар кўринишида олинадиган маблағлар;
- давлат мулкига тегишли бўлган мол-мулкни гаровга ёки ишончли бошқарувга беришдан олинадиган маблағлар;
- қайтариш ва ҳақ олиш асосида бошқа бюджетларга, хорижий давлатларга ёки бошқа юридик шахсларга берилган бюджет маблағларидан фойдаланганлик учун ҳақ;
- давлатга қисман тегишли бўлган хўжалик жамиятлари устав капиталининг ҳиссасига ёки акциялар бўйича дивидентларга тўғри келадиган фойда кўринишидаги даромадлар;
- давлат унитар корхоналари фойдасининг бир қисми (соликлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солик ва йиғимлардан сўнг);
- давлатга тегишли бўлган мол-мулқдан фойдаланиш натижасида олинадиган қонунчиликда қўзда тутилган бошқа даромадлар.

Бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдиришнинг манбаларидан бири бюджет тизимида бошқа даражада турган бюджетдан дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар ёки маблағларни қайтарилемаслик ва тикламасликнинг бошқа шаклларида олинадиган молиявий ёрдамдир. Бундай молиявий ёрдамлар маблағларни олувчи бюджетнинг даромадларида ўз ифодасини топиши керак.

2015-2017 ЙИЛЛАРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ ИЖРОСИ¹⁴

| Кўрсаткичлар | | 2015 | 2016 | 2017 |
|---|--|----------------|------------------|----------------|
| I. ДАРОМАДЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ | | 36493,3 | 41043,46 | 49684,8 |
| 1. | Бевосита соликлар | 8798,4 | 9 852,77 | 11538,9 |
| 1.1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги | 1180,5 | 1 215,14 | 1475,5 |
| 1.2 | Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 1207,8 | 1 515,25 | 1707,6 |
| 1.3 | Ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар | 1191,7 | 1 440,79 | 1750,8 |
| 1.4 | Жисмоний шахслар даромадига солик | 3800,7 | 4 137,39 | 4876,7 |
| 2. | Билвосита соликлар | 19193,8 | 21 130,74 | 26133,6 |
| 2.1 | Кўшилган қиймат солиги | 10851,0 | 11 891,64 | 14686,2 |
| 2.2 | Акциз солиги | 5618,4 | 6 258,24 | 7449,2 |
| 2.3 | Божхона божи | 1481,5 | 1 449,54 | 1707,4 |
| 2.4 | Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солик | 1242,9 | 1 531,31 | 1784,5 |
| 3. | Ресурс тўловлари ва мулк солиги | 4816,1 | 5 306,28 | 6867,4 |
| 3.1 | Мулк солиги | 1393,0 | 1 659,19 | 2129,7 |
| 3.2 | Ер солиги | 750,1 | 966,68 | 1091,8 |
| 3.3 | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик | 2514,6 | 2 517,71 | 3474,1 |
| 3.4 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик | 158,4 | 162,60 | 171,8 |
| 4. | Бошқа даромадлар | 3685,0 | 4 753,67 | 3729,6 |

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 22-декабрдаги ПҚ-2455, 2016-йил 27-декабрдаги ПҚ-2699, 2017-йил 29-декабрдаги ПҚ-3454 сонли қарорлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

Шу ўринда юқоридаги жадвал мәлумотларига асосланған ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари ижросини йиллар оралиғи бўйича таҳлил қиласиган бўлсақ, Даромадлар (Мақсадли жамғармаларсиз) 2015 йилда жами 36493,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 41043,46 млрд.сўмни ҳамда 2017 йилда 49684,8 млрд.сўмни ташкил қиласиган.

Давлат бюджетининг даромадларининг қарийб 90-95% ини солиқлар ташкил этади. Бевосита солиқларни йиллар кесимида таҳлил қиласиган бўлсақ унинг даромадлар қисмидаги улуши 2015 йилда 8798,4 млрд.сўм, 2016 йилда 9852,77 млрд.сўм, 2017 йилда 11538,9 млрд.сўмни ташкил қиласиган.


Бевосита солиқлар таркибини таҳлил қиласиган бўлсақ, Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги 2015 йилда 1180,5 млрд.сўм, 2016 йилда 1215,14 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 1475,5 млрд.сўмни ташкил қиласиган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 34,64 млрд.сўмни яни 103% ни ташкил қиласиган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017 йилда ўсиши 260,36 млрд.сўмни яни 121% ни ташкил қиласиган.

Жисмоний шахслар даромадига солик 2015 йилда 3800,7 млрд.сўм, 2016 йилда 4137,39 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 4876,7 млрд.сўмни ташкил қиласиган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 336,69 млрд.сўмни яни 109% ни ташкил қиласиган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 739,31 млрд.сўмни яни 118% ни ташкил қиласиган.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар 2015 йилда 1207,8 млрд.сўм, 2016 йилда 1515,25 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 1707,6 млрд.сўмни ташкил қиласиган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 307,45 млрд.сўмни яни 125% ни ташкил қиласиган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 192,35 млрд.сўмни яни 113% ни ташкил қиласиган.

Ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар 2015 йилда 1191,7 млрд.сўм, 2016 йилда 1440,79 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда

1750,8 млрд.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 50,91 млрд.сўмни яъни 121% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 310,01 млрд.сўмни яъни 122% ни ташкил қилган.




2.2-расм. 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқларнинг ўрни¹⁵

Эгри (бильвосита) солиқлар. Бу солиқларнинг таркиби қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари, жисмоний шахслардан олинадиган ягона бож тўлови, Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқлардан иборат. Давлат бюджети билвосита солиқлар таркибини таҳлил қиласидан

¹⁵ www.mf.uz расмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

бўлсак, билвосита солиқлар жами 2015 йилда 19193,8 млрд.сўм, 2016 йилда 21130,74 млрд.сўм, 2017 йилда 26133,6 млрд.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 1936,94 млрд.сўмни яни 110% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 5002,86 млрд.сўмни яни 124% ни ташкил қилган.

Кўшилган қиймат солиғи 2015 йилда 10851,0 млрд.сўм, 2016 йилда 11891,64 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 14686,2 млрд.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 1040,64 млрд.сўмни яни 110% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 2794,56 млрд.сўмни яни 124% ни ташкил қилган.



2.3-расм. 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида билвосита солиқларнинг ўрни¹⁶

Акциз солиғи 2015 йилда 5618,4 млрд.сўм, 2016 йилда 6258,24 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 7449,2 млрд.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 639,84 млрд.сўмни яни 111% ни

¹⁶www.mf.uzрасмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

ташкил қилған бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 1190,96 млрд.сўмни яъни 119% ни ташкил қилган.


Божхона божи 2015 йилда 1481,5 млрд.сўм, 2016 йилда 1449,54 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 1707,4 млрд.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда -31,96 млрд.сўмни камайишни яъни 98% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 257,86 млрд.сўмни яъни 118% ни ташкил қилган.

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилғанлик учун солиқ 2015 йилда 1242,9 млрд.сўм, 2016 йилда 1531,31 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 1784,5 млрд.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 288,41 млрд.сўмни яъни 123% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 253,19 млрд.сўмни яъни 117% ни ташкил қилган.

Ресурс тўловлари ва мулк солиғини йиллар оралиғи бўйича таҳлил қиласидиган бўлсак, жами 2015 йилда 4816,1 млрд.сўм, 2016 йилда 5306,28 млрд.сўм, 2017 йилда 6867,4 млрд.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 490,18 млрд.сўмни яъни 110% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 1561,12 млрд.сўмни яъни 129% ни ташкил қилган.

Ресурс тўловлари ва мулк солиғи таркибига кирувчи солиқ турларини таҳлил қиласидиган бўлсак, Мулк солиғи 2015 йилда 1393,0 млрд.сўм, 2016 йилда 1659,19 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 2129,7 млрд.сўмни ташкил қилган. Ер солиғи 2015 йилда 750,1 млрд.сўм, 2016 йилда 966,68 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 1091,8 млрд.сўмни ташкил қилган.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ 2015 йилда 2514,6 млрд.сўм, 2016 йилда 2517,71 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 3474,1 млрд.сўмни ташкил қилган. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 2015 йилда 158,4 млрд.сўм, 2016 йилда 162,60 млрд.сўм ҳамда 2017 йилда 171,8 млрд.сўмни ташкил қилган.



2.4-расм. 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида Ресурс тўловлари ва мулк солиқларнинг ўрни¹⁷

Бюджет даромадларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бир гуруҳлари даромадларнинг манбалари, тўловларнинг турлари ва ҳоказолар бўйича кичик гуруҳларга бўлиниши ҳам мумкин. Масалан, давлат хўжаликларидан олинадиган даромадларга давлат корхона ва ташкилотларининг тўловлари, давлат мулкини сотишдан олинадиган даромадлар, давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган даромадлар киради. Аҳолидан бюджетга келиб тушадиган маблағлар эса солиқлар ва бошқа ихтиёрий тўловлардан иборат бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, ҳар бир кичик гуруҳларга бириктирилган Давлат бюджетининг даромадлари тушумларнинг алоҳида туридан иборат. Масалан, давлат корхоналари томонидан бюджетга ўтказиладиган даромадларнинг таркибиغا қўшилган қиймат солиги, акцизлар, даромад (фойда) солиги ва бошқалар киради. Шунингдек, давлат мулкидан олинадиган даромадлар

¹⁷ www.mf.uz расмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

таркиби божхона даромадларидан, эгасиз ва мусодара қилинган мол-мулкни, талаб қилиб олинмаган юклар ва почта жўнатмаларини, мерос ҳуқуки бўйича давлатга ўтган мол-мулкларни реализация қилишдан олинган тушумлардан иборат. Давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадларга давлат автомобиль инспекциялари томонидан ундириладиган йифимлар, товар белгиларини қайд этганлик учун йифимлар, ўлчов асбобларини давлат текширувидан ўтказилганлиги учун ҳақ, суд ва арбитраж органлари ҳамда нотариаль идоралари томонидан ахолига кўрсатилган хизматлар учун олинадиган ҳақ ва бошқалар киради.

Давлат бюджетининг харажатлари умумий молиявий категория бўлган бюджетнинг кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли бўлган умумий хусусиятларга эгадир, яъни улар тақсимлаш характеристига эга, ифодаланишнинг пул шакли хос, пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шу билан биргаликда Давлат бюджетининг харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиkdir. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат.

Давлат бюджетининг харажатлари харажатларнинг конкрет турлари орқали намоён бўлади. Бюджет харажатлари конкрет турларининг хилмачиллиги эса, ўз навбатида, қуйидаги омилларининг мавжудлиги билан белгиланади: давлатнинг иқтисодий табиати ва функциялари; мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражаси; бюджетнинг миллий иқтисодиёт билан боғланганлиги; иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлик даражаси; бюджет маблағларининг намоён бўлиш шакллари ва х. к.

2.2-жадвал

2015-2017 ЙИЛЛАРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ ИЖРОСИ¹⁸

| КЎРСАТКИЧЛАР | | Йиллар | | |
|--|---|----------------|------------------|----------------|
| | | 2015 | 2016 | 2017 |
| II. ХАРАЖАТЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ | | 36257,3 | 40911,25 | 49344,9 |
| 1. | Ижтимоий харажатлар | 21316,9 | 24101,57 | 26922,7 |
| 1.1 | Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари | 20447,1 | 22 766,04 | 26708,7 |
| | шундан: | - | - | - |
| | Маориф | 12162,2 | 13 831,73 | 15977,7 |
| | Соғлиқни сақлаш | 5218,5 | 5 811,59 | 7030,3 |
| | Маданият ва спорт | 387,5 | 460,57 | 750,2 |
| | Фан | 216,7 | 238,22 | 275,6 |
| | Ижтимоий таъминот | 147,5 | 161,14 | 435,3 |
| | Ижтимоий нафака, моддий ёрдам ва компенсация пул тўловлари | 2102,6 | 2 043,15 | 2239,6 |
| 1.2 | Қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришга кредит линияси | 869,8 | 1 335,53 | 214 |
| 2. | ННТ, НСТ ва фуқоролик жамиятлари институтларини ривожлантириш учун маблағлар ва грантлар | 10 | 11 | 12 |
| 3. | Иқтисодиёт харажатлари | 3821,3 | 4 319,49 | 5280,7 |
| 4. | Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари | 1838,7 | 2 089,10 | 3234,8 |
| 5. | Давлат хокимияти, бошқарув органлари ва суд органларини ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари | 1605,9 | 1 822,61 | 1932,9 |
| 6. | Бошқа харажатлар | 7664,5 | 8 567,49 | 11151 |
| Давлат бюджети тақчиллиги (-), профицити (+) | | 236 | 132,2 | 339,8 |

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 22-декабрдаги ПҚ-2455, 2016-йил 27-декабрдаги ПҚ-2699, 2017-йил 29-декабрдаги ПҚ-3454 сонли қарорлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари ижросини йиллар оралиғида таҳлил қиласиган бўлсак, Харажатлар (Мақсадли жамғармаларсиз) 2015 йилда жами 36257,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 40911,25 млрд.сўмни ҳамда 2017 йилда 49344,9 млрд.сўмни ташкил қиласиган. Шундан Ижтимоий харажатлар 2015 йилда 21316,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 24101,57 млрд.сўмни ҳамда 2017 йилда 26922,7 млрд.сўмни ташкил қиласиган.


Ижтимоий соҳа ва ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 2015 йилда 20447,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 56,3 %ни, 2016 йилда эса 22766,04 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 55,6%ни ҳамда 2017 йилда 26708,7 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 54,1 %ни ташкил қиласиган.

Ижтимоий соҳа ва ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибига киравчи харажат турларини таҳлил қиласиган бўлсак, Маорифга қилинган харажатлар 2015 йилда 12162,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 33,5 %ни, 2016 йилда эса 13831,73 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 33,8 %ни ҳамда 2017 йилда 15977,7 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 32,3 %ни ташкил қиласиган.

Соғлиқни сақлаш харажатлари 2015 йилда 5218,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 14,3%ни, 2016 йилда эса 5811,59 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 14,2 %ни ҳамда 2017 йилда 7030,3 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 14,2 %ни ташкил қиласиган.

Маданият ва спорт харажатлари 2015 йилда 387,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 1,06 %ни, 2016 йилда эса 460,57 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 1,1 %ни ҳамда 2017 йилда 750,2 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 1,5 %ни ташкил қиласиган.

Фан соҳасига қилинган харажатлар 2015 йилда 216,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 0,6 %ни, 2016 йилда эса 238,22 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,6 %ни ҳамда 2017 йилда 275,6 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,6 %ни ташкил қиласиган.




2.5-расм. 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларида Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш харажатлари¹⁹

Ижтимоий таъминот харажатлари 2015 йилда 147,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 0,4 %ни, 2016 йилда эса 161,14 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,4 %ни ҳамда 2017 йилда 435,3 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,9 %ни ташкил қилган.

Ижтимоий нафақа, моддий ёрдам ва компенсация пул тўловларига қилинган харажатлар 2015 йилда 2102,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 5,8 %ни, 2016 йилда эса 2043,15 млрд.сўмни,

¹⁹www.mf.uzрасмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

умумий харажатдаги улуси 5 %ни ҳамда 2017 йилда 2239,6 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуси 4,5 %ни ташкил қилган.



2.6-расм. 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари (Мақсадли жамғармаларсиз)²⁰

Кишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргалиқда молиялаштиришга кредит линияси қилинган харажатлари 2015 йилда 869,8 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуси 2,3%ни, 2016 йилда эса 1335,53 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуси 3,2%ни ҳамда 2017 йилда 214,0 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуси 0,4%ни ташкил қилган.

²⁰www.mf.uzрасмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

ННТ, НСТ ва фуқоролик жамиятлари институтларини ривожлантириш учун маблағлар ва грантларга қилинган харажатлар 2015 йилда 10,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 0,02 %ни, 2016 йилда эса 11,0 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,02 %ни ҳамда 2017 йилда 12,0 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,02 %ни ташкил қилган.

Иқтисодиёт харажатлари 2015 йилда 3821,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 10,5 %ни, 2016 йилда эса 4319,49 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 10,6 %ни ҳамда 2017 йилда 5280,7 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 10,7 %ни ташкил қилган.

Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари 2015 йилда 1838,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 5 %ни, 2016 йилда эса 2089,10 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 5,1 %ни ҳамда 2017 йилда 3234,8 млрд.сўмни, умумий харажатдаги улуши 6,6 %ни ташкил қилган.

Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва суд органларини ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари 2015 йилда 1605,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 1822,61 млрд.сўмни ҳамда 2017 йилда 1932,9 млрд.сўмни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

2.2. Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркиби ва тузилишининг таҳлили

Ҳар қандай иқтисодий ҳолатга қарамай давлат ўз мавжуд бўлишининг энг муҳим омили унинг ўз олдида турган вазифаларини бажариш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишидадир. Бу масалада давлат бюджет тизимининг муҳим бўғини бўлган маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бу ўзига хослик маҳаллий

бюджетларнинг ўз худудлари доирасида амалга оширадиган вазифаларидан келиб чиқади.

Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий томондан мустақил фаолият олиб боришлари уларнинг ўз даромадлар манбаи мавжудлиги билан характерланади. Маҳаллий бюджетлар ўз худудида турли йўналишдаги вазифаларини хал қилиш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги маъсулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди”²¹. Шу вазифалардан келиб чиқиб “...Олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, бу – ресурс ва мол-мулклардан самарали фойдаланиш мақсадида уларни давлат бюджети даромадларидаги салмоғини оширишдан иборатdir. Бунинг асосий сабаби мамлакатимизда мавжуд бўлган табиий ресурслардан уларнинг қайта тикланмаслигини ҳисобга олган ҳолда ва тўпланган мол-мулқдан ўз ўрнида фойдаланишни кўзда тутади”²². Маҳаллий бюджет даромадларини асосий қисмини, яъни давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини маҳаллий солиқлар ташкил этади.

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ва 1994 йил 1 январдан республикамиизда жорий қилинган маҳаллий солиқлардан бири - жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши юқори салмоққа эга эмас.

²¹Каримов И. А. Ўзбекистон демократик тараккиётнинг янги босқичида, - Т.: Ўзбекистон, 2005, 123-бет.

²²Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1998, 361-бет

Ҳозирги вақтда ушбу солиқнинг тушуми давлат бюджетининг солиқли даромадларида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тушумларини кўшиб ҳисоблаганда 3,8 – 4,7 фоиз, ресурс тўловлари таркибида эса 25,1-30,0 фоиз оралиқни ташкил этмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетсиёсатидаги тутган ўрни маҳаллий бюджетлар даромадларини ташкил этиш ҳамда унинг таркибини белгилашда молиявий асос ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлаш учун уларнинг даромадлар базасини ҳам мустаҳкамлаш лозим. Бунинг учун даромад олишни марказлаштирилмаслик лозим, бу маҳаллий бошқарув органларини иқтисодий базани ривожлантиришга ва ўз қарамоғидаги худудларга инвестиция киритишга ҳаракатлантиради ва натижада солиқ тушумларини кўпайтиради.

Маҳаллий бюджетлар тизимини ислоҳ қилиш зарурияти шулардан иборат:

- Маҳаллий бюджетлар мустақил эмас эди, яъни даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми юқори бюджет томонидан олиб қўйиларди.
- Маҳаллий бюджетларни зиммасига халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг иш хақини (катта микдорда) тўлаш юклаб қўйилган эди, лекин бунга мос равишда барқарор даромадлар базаси йўқ эди.
- Маҳаллий бюджетлар даромадлар режасини бажаришда имкониятлари бир хил эмас эди. (масалан, йирик солиқ тўловчи корхонаси бор туман билан асосий қисми чўл зоналарида жойлашган туман имкониятлари турлича эди).
- Маҳаллий ҳокимликларнинг маҳаллий солиқ ва йигимлар бўйича солиқ ставкаларини белгилашдаги ваколатлари кам эди.

2.3-жадвал

Сурхондарё вилоятининг 2015-2017 йиллардаги бюджет даромадлари тушуминингзариши тўғрисида маълумот²³

| | ДАРОМАД ТУРЛАРИ НОМИ | Йиллар | | | |
|-----------|---|--------------------|--------------------|----------------------|--------------------------------|
| | | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 (прогноз режа) |
| 1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги | 20 521 103 | 17 432 724 | 25 512 333 | 41 300 000 |
| 2 | Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 40 096 546 | 57 536 553 | 61 615 099 | 68 499 999 |
| 3 | Ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича | 28 767 725 | 35 845 061 | 46 728 061 | 56 300 000 |
| 4 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги | 143 946 596 | 150 080 513 | 177 159 136 | 189 800 002 |
| 5 | Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиги | 31 375 857 | 38 922 517 | 46 885 141 | 49 000 000 |
| 6 | Кўшилган қиймат солиги | 150 134 720 | 162 397 816 | 217 745 537 | 228 123 166 |
| 7 | Акциз солиги жами | 24 262 206 | 34 802 643 | 45 889 357 | 48 154 000 |
| 8 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик | 25 948 823 | 26 752 345 | 33 865 308 | 38 100 000 |
| 9 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик | 16 571 755 | 20 643 981 | 27 916 672 | 36 499 876 |
| 10 | Ер солиги (ягона ер солигидан ташқари) | 37 804 709 | 39 649 779 | 53 035 773 | 64 400 001 |
| 11 | Ягона ер солиги | 10 357 205 | 20 165 349 | 19 591 233 | 18 700 000 |
| 12 | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик | 9 538 091 | 8 561 310 | 9 298 810 | 8 883 692 |
| 13 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик | 640 299 | 698 079 | 900 809 | 1 000 000 |
| 14 | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги | 10 257 047 | 9 194 535 | 10 181 095 | 0 |
| 15 | Давлат божии | 41 587 413 | 23 993 194 | 34 261 967 | 34 482 266 |
| 16 | Жарималар | 28 058 461 | 29 867 939 | 40 565 457 | 39 100 000 |
| 17 | ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йигимлар | 8 866 866 | 9 370 477 | 13 279 101 | 14 300 000 |
| 18 | Бозорлар даромадидан тушум | 1 897 787 | 6 183 628 | 10 808 788 | 10 299 962 |
| 19 | Махаллий солик ва йигимлар | 2 633 246 | 4 016 915 | 3 999 087 | 2 597 249 |
| 20 | Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солик | 63 925 083 | 89 973 501 | 108 866 594 | 85 000 000 |
| 21 | Бошқа тушумлар | 22 823 258 | 37 170 995 | 42 253 479 | 17 600 000 |
| x | Жами | 720 014 796 | 823 259 854 | 1 030 358 838 | 1 052 140 213 |

²³www.mf.uzрасмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

Сурхондарё вилоятининг бюджет даромадлари тушумининг даромад турлари ва йиллар оралиғи бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи 2015 йилда 31375857 минг.сўм, 2016 йилда 38922517 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 46885141 минг.сўмни ташкил қиласиган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 7546660 минг.сўмни яни 124% ни ташкил қиласиган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 7962624 минг.сўмни яни 120% ни ташкил қиласиган.


Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ 2015 йилда 16571755 минг.сўм, 2016 йилда 20643981 минг.сўм, 2017 йилда эса 27916672 минг.сўмни ташкил қиласиган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 4072226 минг.сўмни яни 125% ни ташкил қиласиган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 7272691 минг.сўмни яни 135% ни ташкил қиласиган.

Бозорлар даромадидан тушум 2015 йилда 1897787 минг.сўм, 2016 йилда 6183628 минг.сўм, 2017 йилда эса 10808788 минг.сўмни ташкил қиласиган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 4285841 минг.сўмни яни 326% ни ташкил қиласиган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 4625160 минг.сўмни яни 175% ни ташкил қиласиган.

Махаллий солиқ ва йиғимлар 2015 йилда 2633246 минг.сўм, 2016 йилда 4016915 минг.сўм, 2017 йилда эса 3999087 минг.сўмни ташкил қиласиган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 1383669 минг.сўмни яни 153% ни ташкил қиласиган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда -17827 минг.сўм камайишни яни 100% ни ташкил қиласиган.

Ер солиғи (ягона ер солиғидан ташқари) 2015 йилда 37804709 минг.сўм, 2016 йилда 39649779 минг.сўм, 2017 йилда эса 53035773 минг.сўмни ташкил қиласиган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 1845070 минг.сўмни яни 105% ни ташкил қиласиган бўлса, 2016-йилга

нисбатан 2017-йилда ўсиши 13385993 минг.сўмни яъни 134% ни ташкил қилган.



2.7-расм. Сурхондарё вилоятининг 2015-2017 йиллардаги бюджет даромадлари тушумининг ўзгариши тўғрисида маълумот²⁴

Маҳаллий бюджетлар даромадлар базасининг мустаҳкамланишини ва юқори бюджетга боғлиқликнинг қисқаришини таъминлаш ҳамда бу орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва маъсулиятини ошириш мақсадида :

²⁴ www.mf.uz расмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб Тошкент шаҳри ва пойтахт туманларида маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва харажат қилишининг янги тартиби тажриба тариқасида амалга оширилмоқда. (2017 йил 7 июндаги ПҚ 3042 ва ПФ 5075 сонли фармойишлари).

Ушбу қарор ва фармойишлар асосида маҳаллий бюджетлар даромадлар базасининг юқорида таҳлил қилган солиқ турларида 2017 ва 2018 йил тартиби бўйича қуидаги ўзгаришга эга эканлигини кўришимиз мумкин.



**2.8-расм. 2018 йилги Бюджет солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари
хамда худудий ҳокимликлар, солиқ ва молия органларининг ўзаро
ҳамкорликдаги вазифалари²⁵**

Маҳаллий бюджет даромадларини асосан соликлар ташкил этиши ва ушбу солиқ юқоридаги қонун хужжатларига мувофиқ турли бюджетларга йўналтирилишини кўришимиз мумкин.

²⁵2017 йил 7 июндаги ПҚ 3042 ва ПФ 5075 сонли фармойишлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

ҚУЙИДАГИ СОЛИҚЛАР ВА ТҮЛОВЛАР ТУМАН ВА ШАҲАР БЮДЖЕТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ БЮДЖЕТЛАРИ ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАНАДИ

- Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови
- Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови
- Юридик шахсларнинг ер солиги
- Юридик шахсларнинг мулк солиги
- Бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун солиқ
- Ягона ер солиги


| 2017 ЙИЛДАГИ ТАРТИБДА | 2018 ЙИЛДАГИ ТАРТИБДА |
|--------------------------|---------------------------------|
| Республика бюджетига | Республика бюджетига |
| Вилоят бюджетига | Вилоят бюджетига |
| Туман ва шаҳар бюджетига | Туман ва шаҳар бюджетига |

2.9-расм. 2018 йилги Бюджет солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда худудий ҳокимликлар, солиқ ва молия органларининг ўзаро ҳамкорликдаги вазифалари²⁶

Сурхондарё вилояти мисолида ушбу солиқ турларини таҳлил қиласидан бўлсак, Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови 2015 йилда 28767725 минг.сўм, 2016 йилда 35845061 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 46728061 минг.сўмни ташкил қиласан. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 7077336 минг.сўмни яни 125% ни ташкил қиласа, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 10883000 минг.сўмни яни 130% ни ташкил қиласан. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар 2015 йилда 40096546 минг.сўм, 2016 йилда 57536553 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 61615099 минг.сўмни ташкил қиласан. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 17440008 минг.сўмни яни 143% ни ташкил қиласа, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 4078546 минг.сўмни яни 107% ни ташкил қиласан.

²⁶2017 йил 7 июндаги ПҚ 3042 ва ПФ 5075 сонли фармойишлариасида магистрант томонидан тайёрланди

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ 2015 йилда 25948823 минг.сўм, 2016 йилда 26752345 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 33865308 минг.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 803522 минг.сўмни яъни 103% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 7112963 минг.сўмни яъни 127% ни ташкил қилган. Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ 2015 йилда 63925083 минг.сўм, 2016 йилда 89973501 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 108866594 минг.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 26048417 минг.сўмни яъни 141% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 18893094 минг.сўмни яъни 121% ни ташкил қилган.



2.10-расм. Сурхондарё вилоятининг 2015-2017 йиллардаги бюджет даромадлари тушумининг ўзгариши тўғрисида маълумот²⁷

²⁷ www.mf.uz расмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

Ягона ер солиги 2015 йилда 10357205 минг.сўм, 2016 йилда 20165349 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 19591233 минг.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 9808144 минг.сўмни яни 195% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда -574116 минг.сўм камайишни яни 97% ни ташкил қилган.

Бу солик турлари 2017-йилдаги тартиб бўйича Республика бюджетига, Вилоят бюджетига, туман ва шаҳар бюджетларига йўналтирилган бўлса, 2018-йилдаги тартиб бўйича Вилоят бюджетига, туман ва шаҳар бюджетларига йўналтирилади.

Вилоят бюджетига йўналтирилган солик турлари қуйидагиларни ташкил этади:

- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- Абонент тўлови;
- Давлат божлари;
- Жарималар;
- Йўл ҳаракати хавфсизлиги идоралари (ГАИ) йигимлари.


ВИЛОЯТ
БЮДЖЕТИГА

2.11-расм. 2018 йилги Бюджет солик сиёсатининг асосий йўналишлари хамда худудий хокимликлар, солик ва молия органларининг ўзаро хамкорликдаги вазифалари²⁸

Ушбу солик турларини таҳлил қиласиган бўлсак, Сурхондарё билояти бюджет даромадлари мисолида Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик 2015 йилда 640299 минг.сўм, 2016 йилда 698079 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 900809 минг.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 57780 минг.сўмни яни 109% ни ташкил қилган

²⁸2017 йил 7 июнданги ПҚ 3042 ва ПФ 5075 сонли фармойишлариасосида магистрант томонидан тайёрланди

бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 202730 минг.сўмни яъни 129% ни ташкил қилган.



2.12-расм. Сурхондарё вилоятининг 2015-2017 йиллардаги бюджет даромадлари тушумининг ўзгариши тўғрисида маълумот²⁹

Давлат божи 2015 йилда 41587413 минг.сўм, 2016 йилда 23993194 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 34261967 минг.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда -17594219 минг.сўм камайишини яъни 58% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 10268774 минг.сўмни яъни 143% ни ташкил қилган.

Жарималар 2015 йилда 28058461 минг.сўм, 2016 йилда 29867939 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 40565457 минг.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 1809478 минг.сўмни яъни 106% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 10697517 минг.сўмни яъни 136% ни ташкил қилган.

²⁹ www.mf.uz расмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йигимлар 2015 йилда 8866866 минг.сўм, 2016 йилда 9370477 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 13279101 минг.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 503612 минг.сўмни яъни 106% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 3908624 минг.сўмни яъни 142% ни ташкил қилган.

Бу тўловларнинг вилоят бюджетига йўналтирилишидан мақсад – бу тўловларнинг барқарор равишда тушмай қолиши эҳтимолининг мавжудлигидир. Шунингдек ундирувчи идоралар туман ва шаҳарлар ўртасида текис тақсимланмаган.

Мисол учун: Туманлараро йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари (МРО) ҳамма туманларида ҳам жойлашмаган ва қўшни туманлар аҳолиси учун ҳам хизмат кўрсатади.

Қуийдаги солиқлар ва тўловлар вилоят бюджетлари ва республика бюджети ўртасида тақсимланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (туман ва шаҳар бюджетларига ҳам ажратма қилинади)

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи

Қўшилган қиймат солиғи

Айрим товарлар учун акциз солиғи

Қўшимча фойда солиғи


2.13-расм. 2018 йилги Бюджет солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда ҳудудий ҳокимликлар, солиқ ва молия органларининг ўзаро ҳамкорликдаги вазифалари³⁰

Сурхондарё вилояти даромадларининг ушбу солиқ турлари ҳамда йиллар кесими доирасида таҳлил қиласиган бўлсак, Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2015 йилда 143946596 минг.сўм, 2016 йилда 150080513 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 177159136 минг.сўмни

³⁰2017 йил 7 июндаги ПҚ 3042 ва ПФ 5075 сонли фармойишлариасида магистрант томонидан тайёрланди

ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда ўсиши 6133916 минг.сўмни яни 104% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 27078623 минг.сўмни яни 118% ни ташкил қилган.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 2015 йилда 20521103 минг.сўм, 2016 йилда 17432724 минг.сўм, 2017 йилда эса бу кўрсатгич 25512333 минг.сўмни ташкил қилган. 2015-йилга нисбатан 2016-йилда -3088379 минг.сўм камайишни яни 85% ни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга нисбатан 2017-йилда ўсиши 8079609 минг.сўмни яни 146% ни ташкил қилган.



2.14-расм. Сурхондарё вилоятининг 2015-2017 йиллардаги бюджет даромадлари тушумининг ўзгариши тўғрисида маълумот³¹

Бу соликлар асосан йирик солик тўловчилардан тушади, ўз навбатида марказлашган маблағлардан (ҳатто ташқи бозордаги ҳолатдан) кучли равишда боғлиқлиги сабабли, туман ва шаҳар бюджетларига бириктирилмади. Яъни тушумларнинг ўз вақтида тушмаслиги ёки солик

³¹www.mf.uzрасмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

солиш базасининг кескин камайиши натижасида туман ва шаҳар бюджетлари зарар кўрмаслиги керак.

2.3. Маҳаллий бюджетлар харажатлари тизими ва уларнинг амалдаги ҳолати таҳлили

Маҳаллий бюджет - давлат бюджет тизимининг алоҳида бўғини ҳисобланади. Умумдавлат пул маблағларининг бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлашнинг асосини, маҳаллий бюджетлар мустақиллиги, уларнинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, улар даромадларини худудий манбалар ҳисобига шаклланиши тамойиллари ташкил этади. Бугунги кундаги давлат молиясини бошқариш ислоҳотларини ўтказиш жараёни, аввало, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда улар ролини ошириш ва шу билан бир вақтда молиявий таъминлашни мустаҳкамлаш, бутунлай янги молия, бюджет ва солиқ механизмини яратиш, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ва маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини таъминлашнинг янги услубиёти ва тамойилларини аниқлашни ўз ичига олади. Маҳаллий бюджет маблағларнинг эгаси сифатида амалдаги мейёрий хужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Маҳаллий бюджет харажатларига маблағлар ажратиш давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, молия-кредит идоралари тизими орқали тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан (молия йилидан) бошлаб уларни сарф харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз беради. Маҳаллий бюджет объектив иктисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иктисодиёт тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, эса бу харажатлар корхоналарнинг даромадидан ташкил топади.

Маҳаллий бюджетнинг харажатлари бу маҳаллий ҳокимиятнинг ўз функциялари билан боғлиқ равишда юзага келадиган сарф харажатларни акс эттирувчи иктисодий муносабатлар бўлиб, улар асосида маҳаллий регион пул

маблағлари жамғармасини тасдиқлайди. Жами иқтисодий хаётида ижтимоий ислохотларни амалга оширишда давлат ролининг ошиши бюджет харажатларининг турли-туман кўринишларда бўлишини асослайди. Бу ўз навбатида бир қатор омиллар билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 71-моддасида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан қўйидаги харажатлар амалга оширилади³²:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

- умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабдан ташқари таълим, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошқа ёрдамчи ва услубий таълим муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;
- болалар уйлари, давлат болалар шаҳарчаларини сақлаб туриш, қонун хужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидағи ёрдамчи хизматлар ва мақсадли тадбирлар харажатлари;
- Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази филиалини, кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини, ихтисослаштирилган касалхоналар ва диспансерларни, туғруқхоналар ва акушерлик мажмуаларини, тиббий ташхис қўйиш ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, қон қўйиш хизмати ва суд-тиббиёт экспертизаси муассасаларини, Саломатлик ва тиббиёт статистики институти филиалини, ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари тасарруфидаги бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва ёрдамчи ташкилотларни сақлаб туриш, шунингдек

³²Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси”, 2013 йил 26 декабр 52-І-сон, 71-модда

қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари;

- қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлигини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;
- ҳудудий маданият ва спортни бошқариш органлари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданият ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирларни амалга ошириш харажатлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари тасарруфидаги архивларни сақлаб туриш харажатлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари тасарруфидаги қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйлари, пансионатлари ва санаторийлари, ногиронларни реабилитация қилиш марказларини, бошқа муассасаларни сақлаб туриш харажатлари, шунингдек аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;
- шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларининг йўловчиларни ва багажни чекланган тарифлар бўйича ташиш, шунингдек алоҳида тоифадаги фуқароларни имтиёзли ташиш хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ заарларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

- қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат органларини сақлаб туриш, шу жумладан, ҳайвонлар касалликларига қарши курашувчи муассасалар хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек ерларни рекультивация қилиш ишларини бажариш;
- уй-жой-коммунал хўжалиги обьектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;

- сув йўларининг айрим техник участкаларини сақлаб туриш;
- аҳоли пунктларини ободонлаштириш;
- шаҳарларнинг, бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини ва хўжаликларо қишлоқ автомобиль йўларини таъмирлаш, шунингдек айрим ташкилотлар харажатлари;
- қонун хужжатларида назарда тутилган ўрмон хўжалигини сақлаб туриш харажатлари;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

4) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, шу жумладан:

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уларнинг бошқармалари ва бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

5) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари;

6) давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.


2.4-жадвал

Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2015-2017 йиллардаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот³³

| T.р. | Кўрсаткичлар | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 (прогноз режа) |
|-----------|---|----------------|----------------|----------------|------------------------|
| | I. Харажатлар - жами | 1399374 | 1594481 | 1610743 | 1884751,2 |
| 1. | Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами | 1276188 | 1395494 | 1342151 | 1645815,3 |
| | <i>шу жумладан:</i> | | | | |
| 1.1 | Маориф | 827 455 | 918 690 | 819 238 | 972 242 |
| 1.2 | Соғлиқни сақлаш | 305371,9 | 343362,9 | 389 795 | 490 989 |
| 1.3 | Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари | 7 851 | 9 157 | 10 492 | 25 636 |
| 1.4 | Фан | 656,3 | 743,1 | 848 | 1 628 |
| 1.5 | Ижтимоий таъминот | 4188,8 | 4423,6 | | |
| 1.6 | Болали оиласарга ва кам таъминланган оиласарга нафакалар | 129715,1 | 118080,2 | 120 875 | 153 980 |
| 2. | Иқтисодиётга харажатлар | 44913,7 | 48330,9 | 60137,9 | 79170,6 |
| | <i>шу жумладан:</i> | | | | |
| 2.1 | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари | 7564,9 | 8290,9 | 9 447 | 10 866 |
| 2.2 | Ободонлаштириш | 37348,8 | 39330,2 | 49 954 | 52 926 |
| 3. | Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар | 26494,4 | 91378 | 139 910 | 46 677 |
| 4. | Давлат бошқарув органларини сақлаш | 15025,4 | 16905,7 | 17 721 | 44 661 |
| 5. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш | 33026,1 | 37361,6 | 44 796 | 46 485 |
| 6. | Захира жамғармаси | 1677,2 | 1911,2 | 3 220 | 18 663 |
| 7. | Бошқа харажатлар | 2049,2 | 3100,3 | 2 806 | 3 280 |

³³ www.mf.uzрасмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, Сурхондарё вилоятининг жами харажатлари 2015 йилда жами 1399373,6 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 1594481,2млн.сўмни ҳамда 2017 йилда 1610742,7 млн.сўмни ташкил қиласиган. Шундан Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар жами 2015 йилда 1276187,7 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 1395493,5млн.сўмни ҳамда 2017 йилда 1342151,4 млн.сўмни ташкил қиласиган.



2.15-расм. Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2015-2017 йиллардаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот³⁴

Давлат бюджети ҳамда маҳаллий бюджетларда Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта миқдорда харажатлар амалга оширилади. Ушбу харажатлар таркибига кирувчи харажат турларини таҳлил

³⁴www.mf.uzрасмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди


қиладиган бўлсак, Маорифга қилинган харажатлар 2015 йилда 827455 млн.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 59,1 %ни, 2016 йилда эса 918690млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 57,6 %ни ҳамда 2017 йилда 819238 млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 50,9 %ни ташкил қилган. Умумий таълим харажатларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда 631661 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 712054,9млн.сўмни ҳамда 2017 йилда 809682 млн.сўмни ташкил қилган. Маорифнинг таркибиغا кирувчи кадрлар тайёрлашга қилинган харажатларни таҳлил қиладиган бўлсак, йиллар оралиғида ушбу соҳага қилинган харажатлар ўсиш тенденсиясига эга эканлигини кўришимиз мумкин, яни 2015 йилда 195794 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 206634,8млн.сўмни ҳамда 2017 йилда 9556 млн.сўмни ташкил қилган, яни ушбу йилга келиб ўтган йилларга нисбатан кам миқдорда харажат амалга оширилган.

Давлат бюджетининг ижтимоий-маданий соҳаларни сақлаш харажатлари ичida соғлиқни сақлаш харажатлари таълимдан кейин 2-ўринда туради. Ижтимоий соҳаларнинг ҳеч бир тармоғидаги ислоҳотлар соғлиқни сақлаш тизимидағичнолик барча аҳоли манфаатлари билан тўқнаш келмайди. Соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 2015 йилда 305371,9 млн.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 21,8 %ни, 2016 йилда эса 343362,9млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 21,5 %ни ҳамда 2017 йилда 389795 млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 24,2 %ни ташкил қилган.

Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситаларига қилинган харажатлар 2015 йилда 7851 млн.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 0,56 %ни, 2016 йилда эса 9156,9млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,6 %ни ҳамда 2017 йилда 10492 млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,7 %ни ташкил қилган.

Фан соҳасига қилинган харажатлар 2015 йилда 656,3 млн.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 0,04 %ни, 2016 йилда эса

743,1 млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,05 %ни ҳамда 2017 йилда 848 млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 0,1 %ни ташкил қилган.



2.16-расм. Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2015-2017 йиллардаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот³⁵

Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети харажатлари моддалари бўйича иқтисодиётга харажатлар турини таҳлил қиласиган бўлсақ, 2015 йилда 44913,7 млн.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 3,2 %ни, 2016 йилда эса 48330,9млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 3,0 %ни ҳамда 2017 йилда 60137,9 млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 3,7 %ни ташкил қилган.

³⁵www.mf.uzрасмий сайти маълумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар 2015 йилда 26494,4 млн.сўмни ташкил этган бўлса, умумий харажатдаги улуши 1,8 %ни, 2016 йилда эса 91378,0млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 5,7 %ни ҳамда 2017 йилда 139910 млн.сўмни, умумий харажатдаги улуши 8,7 %ни ташкил қилган.

Бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларнинг ҳар қандай кўринишдаги тақсимланиши вертикал(тик) ва горизонтал(бўйлама) мутаносибсизликка олиб келиши мумкин. Бюджетнинг верикал мутаносибсизлиги(дибаланси) маҳаллий бюджет харажатларининг ўз манбаларидан оладиган даромадларидан ошиб кетишидир. Бюджетнинг горизонтал дибаланси эса, турли даражадаги бюджетларда даромад ва харажат қолдиқларининг ўзгариб туришидир. Бюджет дибалансининг мавжудлиги давлатларининг ўтиш давридаги хос хусусият эмас. Хусусан горизонтал дибаланс харажатлар ҳажмидаги таъсир кўрсатадиган иқтисодий активлик, табиий ресурслар ва демографик омилларнинг географик нотекис тақсимланиши оқибатидир. Малумки, горизонтал ва верикал дибалансни тенглаштириш, текислаш мақсадида Республика бюджетидан, маҳаллий бюджетларга турли шаклдаги молиявий ёрдамлардан фойдаланилади. Булар дотация, субвенсия ва мақсадли субсидиялардир. Маҳаллий бюджетларнинг бу даромад турининг ўзига хос томонлари мавжуд. Юқори бюджетлардан ажратиладиган субвенсия, дотация ва субсидиялар бошқа даромад туридан фарқ қилиб, бу даромад турлари йил бошида тасдиқланган режа миқдорида олинади, яни бу даромад турларига йил давомида ўзгартиришлар киритилмайди.

Дотация (лотинча, дотатио - ҳадя, хайр-еҳсон) бюджетни тартибга солиш усули сифатида ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солишнинг бошқа маблағлари, хусусан, тартибга соловчи даромадларидан ажратмалар этишмаган тақдирда харажатлар ва даромадлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуий бюджетга қатъий суммада беғараз ва қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлариdir.

Субвенсия (лотинча, субвенире - ёрдамга келиш) юқори бюджетдан қуий бюджеттега муайян мақсадларда фойдаланиш шарти билан беғараз ажратиладиган пул маблағларидан иборат.

Бюджетлараро трансферлар - Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлариға, давлат мақсадли жамғармалариға ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетлариға ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар; Барчамизга маълумки, мамлакатимизда жорий йилнинг 1 январига қадар ўз ҳаражатларини қоплай олмайдиган ҳудудлариға бюджет субвенсиялари ажратилар эди.

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш бўйича жорий йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан (Тошкент шаҳри ва туманларидан ташқари) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, туман ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилувчи ҳалқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақлари учун мақсадли бюджетлараро трансферт ажратиш амалиётга киритилди.

Биринчидан, ўқитувчилар ҳамда тиббиёт ходимларининг иш ҳақларини кечиктирмасдан белгиланган муддатларда тўланишига эришилади, чунки даромадларнинг асосий қисми ойнинг учинчи ўн кунлигида тушади; (*Xар ойда қисқа муддатли бюджет ссудаси ажратилар эди*).

Иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг ваколатлари доирасида маҳаллий солиқ ва йигимларни тушум даражасини ошириш йўли билан даромадлар базасини оширишга манфаати кучаяди;

Учинчидан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини ҳамда йиғувчанлик даражасини солиштириш йўли билан маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятини реал баҳолаш имконияти пайдо бўлади

**Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетининг
2016-2017 йилги асосий кўрсаткичлари³⁶**

(млн. сўм)

| T.р | Кўрсаткичлар | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2017 йилнинг 2016 йилга нисбатан фарқи % да | 2018 йилнинг 2017 йилга нисбатан фарқи % да |
|----------|---|-----------------|-----------------|-----------------|--|--|
| 1 | I. Харажатлар – жами | 1594481 | 1610743 | 1884751 | 101% | 117% |
| 2 | II. Даромадлар ҳаммаси | 1594481 | 1610743 | 1884751 | 101% | 117% |
| | шу жумладан: | | | | | |
| 2.1 | Маҳаллий бюджетларга ўtkазиладиган даромадлар | 70352,12 | 108009,9 | | 154% | 0% |
| 2.2 | Мақсадли бюджетлараро трансферт | | | 865507,3 | 0% | 100% |
| 2.3 | Субвенция | 688639,1 | 532982,1 | | 77% | 0% |
| 2.4 | Маҳаллий бюджет даромадлари | 835490 | 969750,7 | 1019244 | 116% | 105% |
| | Даромадлар ва харажатлар фарқи (+;-) | 0,0 | 0,0 | 0,0 | | |

³⁶ www.mf.uz расмий сайти мальумотлари асосида магистрант томонидан тайёрланди

Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетига 2016 йил ҳамда 2017 йилда субвенсия миқдори йиллар кесимида 688639,1 млн.сўм ҳамда 532982,1 млн.сўмни ташкил этган.

2018 йилда мақсадли бюджетлараро трансферт жорий қилинганидан сўнг 865507,3 млн.сўм миқдорида маблағ ажратилди.

2- боб бўйича хulosса

Диссертациямизнинг 2- боби бўйича қуидаги хulosалар тайёрладик.

Давлат бюджети — давлатнинг муайян вақт (одатда бир йил) учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари мажмуи. Давлат бюджети давлат ихтиёридаги пул фондларининг тақсимланишини билдириб, у давлат молиясининг бош бўғини ҳисобланади.

2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) жорий нархларда 249,13 триллион сўмдан ошиди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 5,3 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ЯИМ индикатори 2016 йилги нархларга нисбатан 18,9%ни ташкил этди.

2017 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ 7,69 млн сўмни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 3,6%га кўп.

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ижобий ўсишига боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) умумий ЯИМ 89,8 фоизини ташкил этди ва 5,3 фоизга ўсди.

Маҳсулотларга соф солиқлар ЯИМ таркибида 10,2%ни ташкил этди ва 5,3%лик шунга ўхшаш ўсишни кўрсатиб берди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига энг катта ҳисса хизмат кўрсатиш соҳаси томонидан қўшилди, у ўтган йилга нисбатан 6,9%га кўп. Шу жумладан, турар-жой ва озиқ-овқат хизматлари 3,9%га (ЯИМ таркибидаги

улуши - 11,5%), олиб ўтиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 8,9% (11,0%) ҳамда бошқа хизматлар - 7,3%га (24,8%) ўсди.

2017 йилда ЯИМ таркибида мулкчилик шакллари бўйича иқтисодиётнинг нодавлат секторига умумий ҳажмнинг 81,0%, давлат секторига 19,0% тўғри келди.³⁷

Ҳар қандай иқтисодий ҳолатга қарамай давлат ўз мавжуд бўлишининг энг муҳим омили унинг ўз олдида турган вазифаларини бажариш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишидадир. Бу масалада давлат бюджет тизимининг муҳим бўғини бўлган маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бу ўзига хослик маҳаллий бюджетларнинг ўз худудлари доирасида амалга оширадиган вазифаларидан келиб чиқади.

Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий томондан мустақил фаолият олиб боришлари уларнинг ўз даромадлар манбаи мавжудлиги билан характерланади. Маҳаллий бюджетлар ўз худудида турли йўналишдаги вазифаларини хал қилиш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишлари керак.

Сурхондарё вилоятининг 2015 - 2017 йиллардаги бюджет даромадлари тушумининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларга асосланган ҳолда жами даромадларни йиллар оралиғи бўйича карайдиган бўлсак, 2015 йилда 720014796 минг сўмни ташкил қилганлигини ,2016 йилда 823259854 минг сўм ҳамда 2017 йилда бу кўрсаткич 1030358838 минг сўмни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.Бу эса ўз навбатида йииллар оралиғида ўсиш тенденсиясига эга эканлигидан далолат беради.

Маҳаллий бюджет объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иқтисодиёт тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, эса бу харажатлар корхоналарнинг даромадидан ташкил топади.

³⁷Kun.uz

Махаллий бюджетнинг харажатлари бу махаллий хокимиятнинг ўз функциялари билан боғлиқ равища юзага келадиган сарф харажатларни акс эттирувчи иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар асосида махаллий регион пул маблағлари жамғармасини тасдиқлайди. Жами иқтисодий хаётида ижтимоий ислохотларни амалга оширишда давлат ролининг ошиши бюджет харажатларининг турли-туман кўринишларда бўлишини асослайди.

З-БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Давлат молиясининг таркиби сифатида маҳаллий бюджетлар тизимидағи мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўналишлари

Маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашнинг муҳим ва асосий омиллари-худудларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш, минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий таракқиёт дастурларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, худудларни комплекс ривожлантириш, хусусий секторни кенгайтириш, минтақаларга хорижий инвестициялар жалб қилиш кўламини кенгайтириш кабилардир.

Ўтган йилда жойлардаги давлат бошқарув органларининг маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги ваколатларини, уларнинг маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш ва захираларини аниқлашдан манфаатдорлиги ва жавобгарлигини ошириш, шунингдек шаффофлик ва бюджет жараёни устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ва бюджет интизомини мустаҳкамлаш ҳамда Давлат бюджети барқарорлигини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, амалдаги давлат молияси тизими замонавий талабларга жавоб бермайди ва олиб борилаётган бюджет сиёсатига, ўрта муддатли даврда қабул қилинган давлат дастурлари билан боғлиқ бюджет харажатларига объектив ва ишончли баҳо беришга имкон бермайди, бюджетни режалаштиришнинг халқаро эътироф этилган усуслари кам жорий этилади.³⁸

Маҳаллий ҳокимият органлари учун молиявий барқарорлик молиявий муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишда қандай қилиб ёндашишни таклиф қиласиди.³⁹

³⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Парламентга йўллаган мурожаати

³⁹ <https://www.elsevier.com/books/fiscal-health-for-local-governments/honadle/978-0-12-354751-4>

Маҳаллий бюджет тизимида мавжуд муаммоларни Сурхондарё вилояти молияси мисолида таҳлил қиласиган бўлсак, ўтган йиллар мобайнида ушбу худуднинг субвенсияда турганлиги ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятининг даромадлар қисмига назар ташлайдиган бўлсак, йиллар кесимида турли ўзгариш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида турли даромадларнинг маҳаллий бюджетга тушиши билан боғлик муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан Ягона ер солигининг 2016-йилга нисбатан 2017-йилдаги улуши 97%ни ташкил этган бўлса, бунинг асосий сабабини изоҳлайдиган бўлсак Ер солигидан боқиманда қарздорлик йил бошига 16,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, йил якунига келиб 20,7 млрд. сўмни ташкил этган. Бунга асосий сабаб боқиманда қарздорлиги мавжуд фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамида етарлича маблағ бўлмаганлигидир. Худди шу солик турининг 2018 йил учун прогноз режасига қарайдиган бўлсак 2017-йилга нисбатан 2018-йилдаги улуши 95%ни ташкил этганлигини бу эса ўз навбатида 2018 йилдан бошлаб фермер хўжаликлари ўрнига йирик кластрлар ташкил этилмоқда. Фаолияти тутатилаётган паст рентабелли фермер хўжаликларининг мавжуд боқиманда қарздорликлари кечиб юборилиши билан боғлик эканлигини кўришимиз мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик 2017-йилга нисбатан 2018-йилдаги улуши 96%ни ташкил этганлиги бу солик турининг 100% бажарилмаганлигининг сабабларидан бири Сурхондарё вилоятида мавжуд бўлган йирик солик тўловчи корхоналардан бири бўлган Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш қўшма корхонасида нефт қазиб олиш хажми камайганлиги сабабли камайганлигини кўришимиз мумкин.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг режа бўйича 100% бажарилмаганлигининг асосий сабаби сифатида 2018 йилдан бошлаб фойда солиги таркибига қўшиб юборилганлигидир.

Жарималарнинг 2017-йилга нисбатан 2018-йилда 96%да бажаришининг кўзда тутилаётганлигининг асосий сабабларидан бири 2017 йил давомида 3 млрд. сўмдан кўпроқ такрорланмайдиган характерга эга бўлган жарима маблағлари ундирилган.

Махаллий солик ва йиғимларнинг 2017 ва 2018 йилларда камайиш тенденциясига эга эканлигининг асосий сабабларидан бири ушбу солик турлари таркибига кирувчи Алкагол маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи юридик шахслар камайганлигидир. 2017 йилда туманларда алкагол маҳсулотлари савдоси учун йиғим миқдори бир ойга энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида эди. 2018 йилдан бошлаб ушбу йиғим миқдори бир ойга 3 мин. Оклад. Бўлди.

Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солик 2017-йилга нисбатан 2018-йилда 78% бажарилишининг сабаби Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси истеъмол қилганлик учун солик ставкаси 50 фоизга камайди.

Бошқа тушумларнинг 2017-йилга нисбатан 2018-йилда 42% бажарилишининг сабаби 2017 йилда абонент тўловининг 85 фоизи тушар эди, 2018 йилдан бошлаб 29 фоизи тушмоқда.

Бундан ташқари вилоятда мавжуд муаммолардан Сурхондарё вилоятида жойлашган “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖга қарашли “Термиз миңтақавий темир йўл узели”, “Узтрансгаз” АЖга қарашли “Жанубгазтаъминоти” филиаллари ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг Сурхондарёдаги бўлимининг соликлари бошқа вилоятларга тўлаб келинаётганлигидир.

Ушбу муаммони бартараф этиш бўйича таклиф берадиган бўлсак, “Узтрансгаз” АЖга қарашли “Жанубгазтаъминоти” филиаллари ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг Сурхондарёдаги бўлимининг даромад солиги ва “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖга қарашли “Термиз миңтақавий темир йўл узели”нинг асосий солик тўловларини Сурхондарё вилоятида шаклланаётганлигини инобатга олиб, вилоятда қолдирилишига амалий ёрдам

бериш. Ушбу муаммо бўйича берилаётган таклифнинг ҳисоб-китобини таҳлил қиласиган бўлсак, Ўзбекистон Темир йўллари” АЖга қарашли “Термиз минтақавий темир йўл узели”нинг бюджетга бир йиллик фойда ва ҚҚС солиқ тўлови 34,6 млрд, Узтрансгаз” АЖга қарашли “Жанубгазтаъминоти” филиалларининг даромад солиги 2,8 млрд., “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖнинг Сурхондарёдаги бўлимининг даромад солиги 3 млрд. сўмни ташкил этади.

Вилоятдаги мавжуд тўйхоналарнинг солиқ тўловини тўлиқ қамраб олишда муаммо бор. Муаммони бартараф этиш бўйича таклиф берадиган бўлсак, Тўй маросимлари ўтказадиган тўйхоналар ягона солиқ тўлаб келмоқда. Тўйхоналарнинг фаолияти ягона солиқ тўлайдиган кичик корхоналар ёки микро фирмалардан кескин фарқ қиласи. Чунки ягона солиқ солишнинг базаси ҳисобланган маблағ айланмасининг бир қисми микро фирма ёки кичик корхонанинг фойдаси ҳисобланади. Тўйхоналарда эса тушумнинг деярли барчаси ўз фойдаси ҳисобланади. Шу сабабдан солиқ солишнинг адолатлилик принципини инобатга олиб ҳамда тушумларнинг банкдан ташқари айланишига чек қўйиш мақсадида тўйхоналарнинг катта ёки кичиклигини инобатга олган ҳолда улар учун табақалашган қатъий белгиланган солиқ тўловини жорий этиш. Ушбу муаммони бартараф этиш бўйича таклиф берадиган бўлсак, ҳисобга олган ҳолда 1 йилда 1 та тўйхона ўртача 7 ой ишласа ва 200 та тўй ўтказилса, (1 та жой 3000 сўм, ўртача 500 та жой) 300 млн. сўм даромад (фойда) кўради. Қатъий белгиланган солиқ ставкасини бир ойга 14 млн (фойданинг 30 фоизи) қилиб белгилаган тақдирда бир йилда ўртача 3 626,0 млн. сўм, бюджетга тушум қарийб 10 баробарга ошишига эришилади.

Маҳаллий бюджетлар параметрларининг харажатлари тузилиши жараёнида харажатларнинг мақбуллаштирилган қисмини маҳаллий бюджетларнинг жорий йил давомида қўшимча талаб этиладаган давлат дастурлари ва бошқа муҳим тадбирларга йўналтиришга яъни тасдиқланган бюджет параметрларидаги маблағларни маҳаллий бюджетда қолдириш.

Муаммони бартараф этиш бўйича таклиф берадиган бўлсак, Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларига йўналтириш имконияти бўлади. Бундан ташқари маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги таъминланади. Ушбу муаммони бартараф этиш бўйича таклиф берадиган бўлсак, Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетидан 2013-2017 йилларда жами 51079,8 млн.сўм, жумладан: 2013 йилда 28143,1млн.сўм, 2014 йилда 19 182,3 млн.сўм, 2015 йилда 16 309,0 млн.сўм, 2016 йилда 6657,3 млн.сўм, 2017 йилда 16279,5 млн.сўм, мақбуллаштирилган маблағлар вилоят маҳаллий бюджетидан Республика бюджетига камайтирилиб олинди.

Маҳаллий бюджетлар тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг эълон қилинган 29.06.2017 йилдаги 445-сон қарорида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш резервларини аниқлашнинг батафсил механизмлари мустаҳкамланган.

Шу мақсадларда туманлар молия ва солиқ органлари 5 та асосий йўналиш бўйича ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради.

1 – жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчиларни ва тушумларни тўлиқ қамраб олиш.

Бунинг учун солиқ органлари ва молия бўлими ходимлари ҳар бир иш кунида 25 тадан кам бўлмаган обьектларни бориб кўради. Фуқароларнинг аниқланган ҳисобга олинмаган обьектлари ва ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар кейинчалик ҳисобга қўйиш учун “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси органларига узатилади. Шакллантирилган қарздорлар рўйхати солиқ қарзларини ундиришда қўмак қўрсатиш учун иш берувчиларга ёки уларнинг юқори турувчи органларига юборилади.

2 – бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятидан, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган солиқ тушумларини тўлиқ қамраб олиш.

Бу ерда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади⁴⁰:

Солиқ органлари ходимлари:

- бир марталик йигимлар, ижара түловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ундирилиши назорат ўрнатадилар;
- нақд пул тушуми тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида хронометраж ташкил этадилар;
- деҳқон бозорларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига сунъий равища нархларни оширишга йўл қўймаслик бўйича назорат тадбирларини ўтказадилар;
- бозорлар ва савдо комплексларида сифатсиз, қалбакилаштирилган (сохта) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга йўл қўймаслик бўйича назоратни амалга оширадилар ва текширишларни ташкил қиласадилар.

Солиқ органлари ва молия бўлими ходимлари ўзаро ҳамкорликда қуйидагиларни аниқлайди:

- кадастр органларида рўйхатга олинмаган нотураржой объектларини аниқлаш ва кейинчалик уларни солиқ солиш обьекти сифатида ҳисобга қўйиш;
- бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахсларни аниқлаш ҳамда уларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйишни таъминлаш;
- бозор ва савдо комплексига туташ ҳудудларда автотўхташ жойларини аниқлаш ва туман (шаҳар) ҳокимиға уларни бозорлар ва савдо комплексларининг таркибиға ўтказиш бўйича тегишли қарор қабул қилиш тўғрисида таклиф киритиш.

Якка тартибдаги тадбиркорлардан тўловлар тушуши устидан назорат доирасида:

- солиқ органларида ҳисобга қўйилмаган ёлланган ходимларни аниқлайдилар ва уларни ҳисобга қўйишни таъминлайдилар;
- фаолиятини вақтинча тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг

⁴⁰Вазирлар Маҳкамасининг эълон килинган 29.06.2017 йилдаги 445-сон қарорида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш резервларини аниқлашнинг батафсил механизмлари

мавжудлиги юзасидан уларни кузатадилар ва тўхтатиб турган тадбиркорлик фаолиятини қайта тиклаш юзасидан кўмаклашадилар;

- солиққа оид хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида йирик миқдордаги пул айланмаларини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини таҳлил қиласидилар;

- расмий рўйхатдан ўтган фаолият турига мос келмайдиган фаолият билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларни аниқлайдилар ва уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган таъсир чораларини кўрадилар;

- жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни белгиланган муддатларда органларга тақдим этмаган, шунингдек ушбу даромадлари тўғрисидаги декларация бўйича ҳисобланган ЖШДС суммаларини тўламаган жисмоний шахсларнинг рўйхатини шакллантиради ҳамда солик қарзини ундириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

3– инвестиция лойиҳаларини, Махаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан тушумларни ошириш.

Бу вазифани бажариш учун ходимлар ҳар куни ўртача 2 та объектни ўрганишларига тўғри келади. Инвестиция лойиҳалари ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг бажарилмаётганлиги, ортда қолаётганлиги сабабларини ўрганадилар ва ўрганиш якунлари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосарига аниқ таклифлар киритадилар. У лойиҳа ташаббускорлари, банклар, молия бўлимлари, иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари билан биргаликда аниқлаштирилган тармоқ жадвалларининг бажарилиши, шунингдек тегишли қувватларнинг ишга туширилиши устидан таъсирчан мониторинг ўрнатади.

4– фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш.

Солик органи ходимлари фаолият кўрсатмаётган корхоналарга борадилар ва ўрганадилар ҳамда мазкур корхоналарнинг рўйхатини

тузадилар, уларнинг фаолияти бўйича материалларни йигадилар. Кейинчалик аниқланган мулкдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Тегишли тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш якунлари бўйича паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг рўйхати тузилади. Туман (шахар) ҳокимининг биринчи ўринbosари ушбу ташкилотларнинг муассислари ва раҳбарияти, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда уларни молиявий соғломлаштириш чораларини кўради.

5 – дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ўсишини қисқартириш ва маҳаллий бюджетларга тушумларни оширишни таъминлашишларини олиб бориш доирасида амалга ошириш.

Бу йўналишда молия бўлими ва ДСИ ҳар куни:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатини таҳлил қиласи ва уларни қисқартириш бўйича амалий чоралар кўради;
- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзларни қисқартириш ишларини амалга оширади;
- етказиб берилган энергия ресурслари учун тўловларни тўлиқ ундириш ва нореал қарзлар ҳосил бўлиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари тизимини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

3.2. Молия тизимини барқарорлаштиришда маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини ошириш масалалари

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш мақсадида тартибга солувчи даромадлар таркиби ва мевърлари бўйича ушбу ёндошувлар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида куйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- тартибга солувчи даромадлар тақсимотида ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва маҳаллий бюджетлар бўғини зиммасидаги бюджет

мажбуриятларининг ортиб бораётганлиги омили албатта ҳисобга олинмоғи керак;

- тартибга солувчи даромадлар таркибида қатый мөйөр сифатида ва 100 %ли миқдорда маҳаллий бюджетлар зиммасида қолдирилиши режалаштирилаётган соликлар бўйича тадбир уларни бириктирилган даромад таркибида режалаштириш учун асос бўлмаслиги керак, чунки бунда умумдавлат соликларининг молиявий табиати ва уларнинг доимий хусусиятга эга эмаслиги йўл қўймайди;

- тартибга солувчи даромадлар мөйөрларини қўллашда маҳаллий бюджетларни рағбатлантириш воситасидаги иқтисодий манфаатдорлик тамоили ҳам тўлиқ ҳисобга олиниши лозим. Маҳаллий ҳокимият органларини соликлар бўйича йиғимларни кўпайтириш ва мос равишда субвенсияларни ва юқори бюджетдан олинадиган бошқа шакллардаги молиявий ёрдамларни қисқартиришда фаоллигини ва манфаатдорлигини ошириш мақсадларида, режалаштирилгандан ортиқ йиғилган соликларни тақсимлашни аниқ ва тушунарли механизми зарурдир. Бу маҳаллий бюджетга режалаштирилган кўрсаткичлардан ортиқ йиғилган соликлар улушкини аниқлаш ва қонуний тасдиқлашни тахмин қиласи. Ҳозирги вақтда ушбу соликларни тақсимлаш республика ёки маҳаллий бюджетларнинг жорий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган мутлақо тушунарсиз усулда амалга оширилади. Тартибга солувчи соликлардан ажратмаларнинг 60 % миқдорида умумий мөйөрларида рағбатлантирувчи самарани кучайтириш мақсадида, режадан ортиқ тушумлар учун ҳам маҳаллий бюджетларнинг кўшимча манфаатдорлигини ҳисобга оловчи мөйөрларни белгилаш керак бўлади. Режалаштирилган ва режадан ортиқ тушумлар учун маълум бир даврга белгиланган ягона барқарор мөйөрларни жорий қилишда маҳаллий бюджетларни даромадини барқарорлигини ва маҳаллий ҳокимият органларини манфаатдорлик омилини ҳисобга олган ҳолда солик солинадиган базани кенгайтириш, солик бўйича тушумларни уларни йиғишини яхшилаш ҳисобига ошириш билан қопланиши мумкин. Ушбу

омилни маълум бир вақтдаги билан амалга ошириш мумкин бўлади, чунки, агар, солиқларни йиғишни яхшилаш дарҳол натижа берса, минтақанинг солиқ салоҳиятини кенгайтириш бўйича чоралар солиқлар бўйича тушумларни маълум бир вақт ўтгандан кейин (1-2 йил) кўпайтириш имконини беради. Юқорида баён қилингандарни умумлаштирилган ҳолда тартибга соловчи солиқларни тақсимлаш бўйича таклиф қилингандарни механизмнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини тасдиқловчи қуидаги далилларни келтириш мумкин. Маҳаллий бюджетларга тартибга соловчи солиқлардан ажратмаларнинг ягона меъёрлари қуидагиларни таъминлайди:

- бюджетнинг мукаммаллигини;
- маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини шакллантиришнинг барқарорлигини;
- маҳаллий бюджетларни истиқболларини белгилашнинг яхшиланишини;
- солиқ тушумларини ко'пайтириш, бюджет боқимандаларини қисқартириш ва минтақа худудида солиқ салоҳиятини кенгайтиришга манфаатдорлик;
- бюджет параметрларини ишлаб чиқишида келишиш амалиётини қисқартириш.

Маълум бир даврга тасдиқланган ягона меъёр асосида режадан ортиқ солиқ тушумларини тақсимлаш қуидагиларга имкон беради:

- режалаштирилгандан ортиқ солиқларни йиг'ишга қизиқиши оширишга;
- республика ва маҳаллий бюджетларни даромад базасини мустаҳкамлашга ва мос равишида субвенсиялар ҳажмини қисқартиришга.

Маълум бир даврда барқарор бўлган тартибга соловчи солиқлардан ажратмаларнинг ягона меъёрлари, молиявий ёрдамни тақсимлашда, вертикал ва горизонтал дисбалансни тенглаштириш ҳисобга олинган ҳолда молиявий ёрдамнинг энг қулай шаклларини танлаш ва асослашга ёндошишларни ислоҳ қилиш нуқтаи назаридан муҳимдир. Маълумки, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджет трансферт ва унинг алоҳида ҳудуд ижтимоий-иктисодий тараққиёти масадларида тушган солиқ ва

даромадларни қайта тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Маҳаллий худуд иқтисодиётининг қарор топиши ва унинг молиявий мустақилликка эга бўлиши учун бюджетни мустақил шакллантириш ҳуқуқигина эмас, балки уни бошқариш ҳуқуқи ҳам зарур. Маҳаллий худуд иқтисодиётини солиқ механизми асосида тартибга солиш бўйича:

- биринчидан, ҳудудий ўз-ўзини молиявий бошқаришда солиқларни меъёрий тартибга солиш;
- иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантиришда солиқлар иқтисодий категория сифатида қаралиши;
- учинчидан, мустақил ҳудудий иқтисодиётда иқтисодий ислоҳотлар тизими;
- тўртинчидан, ҳудудий иқтисодиётда маҳаллий ҳокимият органлари масъулияти муҳим омил саналади.

Республика бюджети орқали маблағларни қайта тақсимланишининг амалдаги тартиби, аҳоли жон боши сонини ҳисобга олиб, ушбу даромаднинг табақаланиши нима сабабли юзага келганлигидан қатъий назар маҳаллий бюджетлар даромадларини тенглаштиришга қаратилгандир. Аммо, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқларни тақсимлаш механизмида солиқларни ҳудудлараро экспортини ҳисобга олмаслик солиқ ва бюджет тизимларини амал қилиш самарадорлигини пасайтиради, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона иқтисодий муҳитни шакллантиришга тўсқинлик қиласди. Солиқ тизими ва бюджет тузилишини шакллантиришнинг энг асосий муаммоларидан бири бўлиб бир хил даражадаги иқтисодий субъектлар бюджетлари ўртасида солиқни тақсимлашга бир томонлама ёндошувни таъминлаш ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқни тақсимлашга ягона ёндошув солиқларнинг тенг базаси маҳаллий бюджетга тенг равишдаги солиқли тушумларни беради.

Бизнинг фикримизча, бюджетлар ўртасида солиқни тақсимлашнинг икки хил турини ажратиб кўрсатиш мумкин: ёпиқ ва очиқ. Ёпиқ ҳолатдаги тақсимлашда барча йиғиладиган солиқлар давлат бошқарув органлари

тасарруфида қолади. Бу ҳолатда бюджетта тушумлар қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- ҳудудларда олинадиган фойданинг ҳажмига;
- резидентлар томонидан олинадиган даромадлар суммасига;
- ҳудудларнинг истеъмол ҳажми ва тизимига;
- ҳудудда жойлашган мол-мулкка.

Бюджетлар даромадларининг ўлчами омиллар маълумотларидан аниқланади. Солиқларнинг маҳаллий бюджетларга нисбатан бундай тартибда тақсимланиши, ҳудудларни солиқларни йиғиш борасида бир хил шароитга келтиришга ва ҳудудий бюджетларнинг солиқли дорамадларини ҳудудларда мавжуд бўлган солиқ базалари ва ҳақиқий резидентларга юклатилади, уларнинг солиқ юкига нисбатан тенглаштиришга ёрдам беради. Солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланишининг очик тури солиқларни юқори ҳукumat органи томонидан қайта тақсимланишидир. Очик турдаги тақсимланиш шароитида маҳаллий бюджетлар тушумлари ҳудудлараро савдо, маълум даражадаги солиқларнинг ва юқори ҳукumat органлари солиқларининг ўзаро алоқадорлигига боғлиқдир. Ҳудудлараро савдонинг миқдор ва сифат тавсифи, маҳаллий бюджет солиқли тўловларни юритиш йўли орқали юқори бюджетта тўланадиган солиқлар суммасининг камайиши солиқларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимланишига асос бўлади, солиқларни қайта тақсимланиши иқтисодиётда бутунлай бюджет-солиқ тизимини амал қилишига бевосита таъсир этади. Резидентлар учун солиқлар қиймати ва солиққа тортиш даражаси бўйича маҳаллий ҳукumat органларининг дифференциаллашуви даромадларни ҳудудий ҳусусиятга асосланган ҳолда аҳоли о’ртасида қайта тақсимланишига ёрдам беради ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришга ўз самарадорлигини пасайтириб таъсир этади. Солиқларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш муаммосини назарий равишда қуйидаги йўллар билан ечиш мумкин: солиқ тизимиға ўзгартириш киритиш билан, бюджет тузилишини ўзгартириш ёки биринчи ва иккинчи йўлларни қўшиш орқали. Бунда энг

мақсадга мувофиқ келадиган қарор, бу солиқларни тақсимлашни мақбул механизмини ишлаб чиқишидир, яни бюджет тузиш салоҳиятини ишлатилишидир. У умумдавлат солиқларининг бир қисмини ўтказиш мөйёрларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида солиқларни қайта тақсимланишини бартараф этиш дастаги ва барча хукumat органларини солиқли даромадларини ахоли жон боши ҳисобига тенглигида эмас, балки солиқли даромад олишда тенглигини таъминлаш сифатида фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5075-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ва харажатларини мақбуллаштиришда уларнинг манфаатдорлигини оширишни таъминлайдиган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатлари ва мажбуриятларини белгилашнинг замонавий механизmlарини жорий этиш мақсадида:

- ўз ҳудудидаги солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш ва солиқлар ийғилувчанлигини ошириш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, ишламаётган, иқтисодий ночор корхоналарни фаолиятини қайта тиклаш орқали маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш;
- тегишли бюджетларнинг тасдиқланган даромадлари режасини бажаришни, қонунчилик доирасида харажатларни, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш;
- бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорини Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари ва бошқа норматив-хужжатларда белгиланган миқдорлар доирасида ошириш;
- бюджет ташкилотларида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган штат нормативларидан ортиқча штат бирликлари киритмаслик.

Туман бюджетларида белгиланган айланма касса маблағларининг чорак якуни билан сақланиши ва харжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини ғазначилик бўлинмалари таъминлайди.

Тошкент шаҳри худудида бюджетлараро муносабатларни амалга оширишда:

-умумтаълим мактабларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар бўйича харжатларни молиялаштириш учун туман бюджетига Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган мақсадли бюджетлараро трансфертларни камайтирилишига йўл қўйилмайди;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ молия йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ваколатига кирувчи муайян харжатлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига берилганда, уларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ўзаро ҳисоб-китоблар орқали маблағлар ажратилади;

-тасдиқланган даромадлар параметрлари бажарилмаслиги натижасида қуий маҳаллий бюджетларда юзага келиши мумкин бўлган даромадлар билан харжатлар ўртасидаги молия йили мобайнидаги вақтинчалик касса узилишлари — айланма касса маблағларини жалб қилиш ва юқори бюджетдан олинадиган қисқа муддатли фоизсиз бюджет ссудалари орқали қопланади, бир молия йилидан ортиқ бўлган даврдаги касса узилишлари — юқори бюджетдан 2 йилгacha бўлган муддатга йиллик 2 фоизли бюджет ссудалари олиш орқали қопланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, 2017 йил учун тасдиқланган Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети параметрларига ўрнатилган тартибда ўзгартириш киритсин, бунда Тошкент шаҳри шаҳар ва туманлар бюджетларининг параметрлари молия йили учун бир марта тасдиқланади ва уларнинг даромадларини ошириш ёки камайтиришга аниқлик киритиш тақиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига қўйидаги ваколатлар берилсин:

-зарур ҳолларда маҳаллий бюджетлар параметрларига тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ўзгартериш киритиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарларнинг тегишли Халқ депутатлари кенгашига таклиф киритиш;

-тегишли бюджетлар ҳар чорак якунида шакллантириладиган даромадлар режасидан орттириб бажарилган қисмини мустақил тасарруф этиш;

-маҳаллий бюджет харажатлари, жумладан, белгиланган нормативлар доирасида бюджет ташкилотлари ва уларнинг штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобига молия йили давомида бўшаб қолган маблағларни бошқа зарур харажатларга йўналтириш;

-ўз вазифаларини вижданан, шунингдек, алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган бюджет ташкилотлари раҳбарлари, ҳокимлик, молия, ғазначилик ва солиқ органлари ходимларини эришилган натижалар асосида йилига бир ойлик лавозим иш ҳақи миқдорида тегишли равиша тегишли бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан бир марталик мукофотлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида 2 та штат бирлигидан иборат бюджет инспекторлари лавозимлари жорий этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

-маҳаллий бюджетлар параметрларининг бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, белгиланган нормативлар ҳамда мазкур қарор асосида шакллантирилиши ва ижро қилинишини мониторинг қилиш;

-бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликнинг харажатлар сметаси, штатлар жадвалини сифатли тузилиши ҳамда унинг ижроси бўйича назоратни таъминлаш;

-маҳаллий бюджетларда айланма касса маблағларининг сақланиши, даромадлар прогнозининг ошириб бажарилиши ва эркин қолдик маблағлари миқдорларининг тўғри аниқланиши устидан мониторинг қилиш;

-маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги молиявий ҳисоботларни норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва муддатларда Халқ депутатлари Кенгаши ва юқори молия органига тақдим этилишини таъминлаш;

-маҳаллий бюджетлар ҳисобидан бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган давлат харидларини, шу жумладан, эълонлар бериш муддатлари белгиланиши ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар тузилиши мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш.⁴¹

3-боб бўйича хулоса

Диссертациямизнинг 3- боби бўйича қўйидаги хулосалар тайёрладик.

Маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашнинг муҳим ва асосий омиллари-ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, хусусий секторни кенгайтириш, минтақаларга хорижий инвестициялар жалб қилиш кўламини кенгайтириш кабилардир.

Маҳаллий бюджетлар тизимидағи мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг эълон қилинган 29.06.2017 йилдаги 445-сон қарорида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш резервларини аниқлашнинг батафсил механизмлари мустаҳкамланган.

⁴¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июнь, пк-3042-сон “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғриси”даги қарор

Шу мақсадларда туманлар молия ва солиқ органлари 5 та асосий йўналиш бўйича ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради.

- 1 – жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги тўловчиларни ва тушумларни тўлиқ қамраб олиш;
- 2 – бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятидан, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган солиқ тушумларини тўлиқ қамраб олиш;
- 3 – инвестиция лойиҳаларини, Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан тушумларни ошириш;
- 4 – фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш;
- 5 – дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ўсишини қисқартириш ва маҳаллий бюджетларга тушумларни оширишни таъминлаш ишларини олиб бориш доирасида амалга ошириш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ этиш ва давлат бюджети маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг ҳозирги кундаги холати иқтисодчилар олдига қатор янги муаммоларга ечим топишни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Республикамиздаги амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ҳалқаро миқёсдаги глобаллашув, ҳудудий интеграция, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар молия, бюджет-солиқ тизимида юз бераётган таркибий ва институционал ўзгаришларнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Ҳалқаро миқёсда амалга оширилаётган ушбу глобал жараёнлар ўзининг тезкорлиги, кўлами ва ахборот сиғими билан мамлакат молия тизимини барқарорлаштиришни амалга оширишда жиддий вазифаларни қўймоқда.

Ўзбекистондаги молия тизимини барқарорлаштиришдаги сиёсати таҳлили ва уларни ролини ошириш масаласида олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хulosаларни шакллантиридик:

1. Молия ва молиявий муносабатлар иқтисодиётда, хусусан, ахолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида жуда кенг қўлланиладиган пул маблағлари ҳаракатининг кўп жабҳали шакли сифатида намоён бўлади. Бу ўз навбатида, ушбу муносабатларни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва амалиётда тўғри ҳамда самарали татбиқ этишнинг долзарблигини оширади. Молия ва молиявий муносабатларнинг асосий моҳияти - давлат ва хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурслар билан таъминлаш, шунингдек, маблағларнинг ишлаб чиқариш жабҳалари ривожидаги баланслашувида намоён бўлади.

2. Ҳар қандай молиявий муносабатлар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш)ни таъминлашда ресурсларга бўлган эҳтиёж ҳисобига юзага келади ва улар ўз табиатига кўра, объектив ҳисобланади. Молиявий муносабатлар молия механизми орқали бошқарилади. Уларни бошқариш мақсадида молия тизими шакллантирилади.

3. Молия тизими – молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, хар кайси соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади.

4. Давлат бюджети — давлатнинг муайян вақт (одатда бир йил) учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари мажмуи. Давлат бюджети давлат ихтиёридаги пул фондларининг тақсимланишини билдириб, у давлат молиясининг бош бўғини хисобланади.

5. Давлат бюджети даромадларининг иқтисодий мазмuni ёритадиган бўлсак, Давлат бюджетининг даромадлари мамлакат ялпи ички (миллий) маҳсулотини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш умумий жараёнининг элементларидан бири бўлиб, улар оралиқ (транзит) характерга эга. Улар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган даромадлар ва жамғармаларнинг бир қисмини бюджетга ўтказилиши натижасида вужудга келади.

6. Маҳаллий бюджет - давлат бюджет тизимининг алоҳида бўғини хисобланади. Умумдавлат пул маблағларининг бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлашнинг асосини, маҳаллий бюджетлар мустақиллиги, уларнинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, улар даромадларини ҳудудий манбалар ҳисобига шаклланиши тамоиллари ташкил этади.

7. Ҳар қандай иқтисодий ҳолатга қарамай давлат ўз мавжуд бўлишининг энг муҳим омили унинг ўз олдида турган вазифаларини бажариш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишидадир. Бу масалада давлат бюджет тизимининг муҳим бўғини бўлган маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бу ўзига хослик маҳаллий бюджетларнинг ўз худудлари доирасида амалга оширадиган вазифаларидан келиб чиқади.

8. Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий томондан мустақил фаолият олиб боришлари уларнинг ўз даромадлар манбаи мавжудлиги билан характерланади. Маҳаллий бюджетлар ўз худудида турли йўналишдаги

вазифаларини хал қилиш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўйишлари керак.

9. Диссертациямизнинг обьекти ҳисобланган Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети ўтган йиллар мобайнида субвенсияда турган худудлардан бири ҳисобланади. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш бўйича жорий йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан (Тошкент шаҳри ва туманларидан ташқари) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, туман ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилувчи халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақлари учун мақсадли бюджетлараро трансферт ажратиш амалиётга киритилди. Шу ўринда диссертациямизнинг хulosса қисмида ўтган йиллар мобайнида ушбу молиявий ёрдам йўналишларини ёритадиган бўлсак, 2017 йил 1-январдан бошлаб ПҚ-2699-сонли қарорга асосан вилоят маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминланадиган касб-хунар коллежларини молиялаштириш ресублика бюджетига ўтганлиги муносабати билан Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети харажатлари камайганлиги саббали субвенциянинг жами харажатдаги улуши 2016 йилга нисбатан камайган. 2018 йил 1-январдан бошлаб ПҚ-3454-сонли қарорга асосан Термиз шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларидан маблағ билан таъминланадиган таълим ва тибиёт муассасалари иш ҳақи ва унга tengлаштирилган тўловлар ҳамда ягона ижтимоий тўловлар учун 100 фоиз трансферт ажратилиши белгиланган.

Ўз навбатида, олиб борилган кенг изланишларимиз натижасида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги шароитида Республикамиз ҳамда маҳаллий бюджетларда молия тизими барқарорлигини таъминлашда устувор йўналишнинг оптимал ечимларини топишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган:

- 1) Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш яни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ турларини уларга бириктириб қўйиш;

2) Вилоятлар, шаҳар ва туман бюджетларини субвенсиядан чиқариш, уларнинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига бўлган қарамлигини босқичма-босқич қисқартириш, бунинг асосида худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш;

3) маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимли асосда қўшимча резервларни аниқлаб бориш;

4) маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш;

Худуд миқёсида таклиф ва амалий тавсиялар берадиган бўлсак,

5) “Узтрансгаз” АЖга қарашли “Жанубгазтаъминоти” филиаллари ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг Сурхондарёдаги бўлимининг даромад солиғи ва “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖга қарашли “Термиз минтақавий темир йўл узели”нинг асосий солиқ тўловларини Сурхондарё вилоятида шакланаётганлигини инобатга олиб, вилоятда қолдирилишига амалий ёрдам бериш.

6) Тўй маросимлари ўтказадиган тўйхоналар ягона солиқ тўлаб келмоқда. Тўйхоналарнинг фаолияти ягона солиқ тўлайдиган кичик корхоналар ёки микро фирмалардан кескин фарқ қиласи. Чунки ягона солиқ солишининг базаси ҳисобланган маблағ айланмасининг бир қисми микро фирма ёки кичик корхонанинг фойдаси ҳисобланади. Тўйхоналарда эса тушумнинг диярли барчаси ўз фойдаси ҳисобланади. Шу сабабдан солиқ солишининг адолатлилик принципини инобатга олиб ҳамда тушумларнинг банқдан ташқари айланишига чек қўйиш мақсадида тўйхоналарнинг катта ёки кичиклигини инобатга олган

холда улар учун табақалашган қатъий белгиланган солиқ тўловини жорий этиш.

- 7) Маҳаллий бюджетлар параметрларининг харажатлари тузилиши жараёнида харажатларнинг мақбуллаштирилган қисмини маҳаллий бюджетларнинг жорий йил давомида қўшимча талаб этиладаган давлат дастурлари ва бошқа муҳим тадбирларга йўналтиришга яъни тасдиқланган бюджет параметрларидаги маблағларни маҳаллий бюджетда қолдириш.
- 8) Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг қўшма қарорлари билан тасдиқланган «Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг бир нафар ўқувчига ва тарбияланувчига базавий сарф меъёрларини қўллаш» тартибида муассасаларнинг дебиторлик қарздорликлари муассаса бюджетини аниқлашда базавий сарф меъёрларидан камайтирилиши белгиланган.

Таклиф: Ушбу дебиторлик қарздорликлар муассаса бюджетидан камайтирилганда, йиллик ҳисоботларнинг якуни бўйича ҳисобот кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, амалдаги тартибларга асосан (1025-сонли йўриқнома бўйича) яна иккинчи марта дебиторлик қарздорликларни кредитор қарздорликлардан ошган қисмини соқит (зачёт) қилинишига тўғри келишини инобатга олиб, юқоридаги тартибга ёки адлия вазирлигидан 2001 йил 12 апрелда 1025-сон билан рўйхатга олинган йўриқномага ўзгартириш киритиш.

Кутиладиган натижа. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш.

- 9) Хозинги кунда туманларда Давлат ветеринария бўлимлари ва ветеринария лабаратория бўлимлари фаолият юритмоқда. Бу эса 2 та алоҳида юридик мақомга эга бўлган фаолият тури бир-бирига яқин бўлган бюджет муассасаси бўлиб туман маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминланиб келинмоқда.

Таклиф. Вилоятдаги туман лабаратория бўлимларини Давлат ветеринария бўлимларига бирлаштириб хар бир муассасадан бир хил штат бирликлари

қисқартириш ва ҳисоб-китоб ишларини сифатли амалга оширилишини йўлга қўйиш учун битта шахсий ҳисоб варакларда амалга ошириш .

Кутиладиган натижа. Бу билан бюджет маблағларини тўғри сарфланишига ва иқтисод қилишга ҳамда чорвачилик билан боғлик Давлат дастурларини тизимли амалга оширилишига эришишимиз мумкин бўлади.

Биргина Сурхондарё вилоятида мавжуд ветеринария лабораторияда 11 та бўлим мудирлари, 11 та фаррош, балансида биноси бўлган ветеринария лабораторияларида қаровул ва хисобчи штат бирликлари қисқартирилиши натижасида 97.5 млн.сўм маблағ иқтисод қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: - Т.: “Ўзбекистон” нашриётматбаа ижодий уйи, 2017й. -406.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси: Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги - Т.: “Адолат”, 2008й. -6926.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”. Т.: “Ўзбекистон” 2013 йил 26 декабр. 2014 йил 1 январдан кучга кирган.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил, 29 август.
- 1.5. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХИИ-сон Қонуни.
- 1.6. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПК-№3454-сонли Қарори 2017 йил 29 декабр.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПК-№2699-сонли Қарори 2016 йил 27 декабр.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПК-№2455-сонли Қарори 2015 йил 22 декабр.

- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-№2270-сонли Қарори 2014 йил 4 декабр.
- 1.11. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎзР-343-сонли Қонуни.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблаг билан тъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори.
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйругига илова.
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1257 сонли Қарори.
- 1.15. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 б.
- 1.16. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 104 б.
- 1.17. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 56 б.
- 1.18. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини тъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 48 б.
- 1.19. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси:

Танқидий таҳлил, қатый тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. www.aza.uz.

- 1.20. Каримов И.А. Бosh мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 17 январ.
- 1.21. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир. 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси.- Т.: “Ўзбекистон”, 2015. 71 б.
- 1.22. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005.-Б. 528.
- 1.23. Каримов. И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш - асосий вазифамиз. «Қишлоқ ҳаёти» газетаси. 2004 йил., №20 2-б.
- 1.24. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Халқ сўзи. 2002 йил 30 август
- 1.25. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т. «Ўзбекистон» 1995 йил 208-бет.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

- 2.1. Маликов Т.С. Молия: Ўқув қўлланма /Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.-Т.: “Иқтисод-молия”, нашриёти, 2018 й. - 268б.

- 2.2. Маликов Т.С., Жалилов Ш.Қ. Молиявий тизим: Замонавий талқин: ўқув услугбий қўлланма. - Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2016, - 116 б.
- 2.3. Ваҳобов А.В, Маликов Т.С., “Молия” ўқув қўлланма, “Ношир”, Т.: -2012.
- 2.4. Маликов Т.С., Жалилов П.Т., Бюджет-солиқ сиёсати: монография, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти.-Т.Академнашр, 2011. - 472 б.
- 2.5. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими. «infocom.uz» .Тошкент- 2010.480б.
- 2.6. Г.Қосимова. Ижтимоий соҳа: бошқариш ва молиялаштириш. Монография. Тошкент.: 2015. 173 бет.
- 2.7. А.Вахобов, Г.Қосимова “Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги”. Т.:Иқтисод-молия. 2005й. 210 бет
- 2.8. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. Ўқув қўлланма - Тошкент, 2010. - 152 б.
- 2.9. Срожиддинова З.Х. Бюджетлараро муносабалар. Ўқув қўлланма.-Т.: «infocom.uz», 2010, 156 б.
- 2.10. Қосимова Г.А “Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш”. Ўқув қўлланма. Тошкент. Молия 2007 й.
- 2.11. Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш. - Тошкент, 2010 - 152 б.
- 2.12. Ваҳобов А., Жўраев А. Соликлар ва солиққа тортиш. Дарслик. -Т.: Шарқ, 2009. -526 б.
- 2.13. Ваҳобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. -Т.: Шарқ, 2003. -400 б.
- 2.14. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. / Монография. “Фан” нашриёти. 2004 й.
- 2.15. Жўраев А., Сафаров Г. Солик назарияси -Т.: ТМИ, 2008. -210 б.
- 2.16. Завалишина И.А. Соликлар: назария ва амалиёт. / “Иқтисодиёт ва хуқук дунёси” нашриёт уйи, 2005. -544 б.

- 2.17. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Академия, 2002. -204 б.
- 2.18. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? Рисола. -Т.: 2006. -Б. 32.
- 2.19. Маликов Т.С. Бюджет даромадлари ва харажатлари/ Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. - Ташкент: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2007. - 245 с.
- 2.20. Маликов Т.С. Давлат бюджети/ Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. - Ташкент: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2007. - 84 с.
- 2.21. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", ТМИ-2008. 98 бет.
- 2.22. Маликов Т., Ваҳобов Д., Молия: расмларда. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2010, 660 б.
- 2.23. Маликов Т., Жалилов П., Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. Т.: Академнашр, 2011. 472 б.
- 2.24. Ҳамдамов Ш. К. , Турсунов Ж. П. “Маҳаллий бюджет” ўқув-услубий мажмуя. Т:-2014й. б-455
- 2.25. Ли А. Молия ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Давлат юридик институти. 2004. -398б.
- 2.26. Жўраев А., Сафаров Г. Солиқ назарияси. //Ўқув қўлланма. -Т.: “Иқтисод-молия”. 2005. 17-бет.
- 2.27. Ваҳобов А., Жураев А. Налоги и налогообложение. //Учебник. -Т.: “Шарқ”. 2009. стр. 89.
- 2.28. Боймуродов С. Солиқ имтиёзлари ва уларнинг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири. //Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2007 йил, №8.
- 2.29. Жўраев А. Даромад, бюджет ва солиқлар// Солиқ тўловчининг журнали. Тошкент, 2004. №4, - Б. 27.
- 2.30. Ўрмонов Ж. Маҳаллий бюджет даромадларини ошириш йўллари. //Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципial мухим устувор

вазифа. Республика амалий-илмий конференцияси тезислар тўплами. - Ташкент, 2005. -Б. 156-157.

- 2.31. Ф.М Оллокулова. Молия тизими ва унинг ташкилий асослари. //Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами 2017 йил 12 апрел 1986.
- 2.32. Ф.М Оллокулова. Mamlakatimiz moliyaviy salohiyatini yuksaltirishda xorijiy investitsiyalarning o`rni.// Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами 2017 йил 12 апрел 331б.
- 2.33. Ollokulova.F.M. Mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning o`rni.// “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда банк молия тизимининг ролини ошириш йўллари”га бағишланган магистрантларнинг XVII анъанавий илмий конференцияси материаллари ТЎПЛАМИ 2017 йил 14 июнь 511б.
- 2.34. Оллокулова Феруза.Тенденции развития мирового финансового рынка.// “Иқтисодиётни етакчи тармоқларини модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг суғурта хизматлари бозорини такомиллаштиришдаги ўрни” мавзусидаги грант доирасидаги илмий-амалий конференция материаллари 2017 йил 28-ноябр 636б.
- 2.35. Оллокулова Ф.М. Взаимоотношения Республики Узбекистан с международными финансовыми организациями как фактор, определяющий финансовую устойчивость государства.// актуальная наука. 2018. № 3 (8)

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

- 3.1. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий тўплам. 2016 йил январ-декабр.
- 3.2. Интернет сайтлари.
- <http://www.scopus.com> Илмий журналлар, китоблар ва конференция материаллариниг маълумотлар базаси.
 - <https://www.elsevier.com/books/fiscal-health-for-local-governments/honadle>
 - <http://www.soliq.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти.
 - <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.
 - <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
 - <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги хуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази расмий сайти.
 - <http://www.tfi.uz> – Тошкент молия институти сайти.

